

**МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/02.30.12.2019. TAR.45.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ**

ХАСАНОВ МУТАЛИБЖОН

**ИЛК ТЕМИР ВА АНТИК ДАВРДА СУҒД МАДАНИЯТИ
07.00.06 – Археология
(тарих фанлари)**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора исторических наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of the Doctor (DSc) of Historical Sciences

Хасанов Муталибжон

Илк темир ва антик даврда Суғд маданиятиX

Хасанов Муталибжон

Культура Согда в эпоху раннежелезного века и античности XX

Khasanov Mutalibjon

The ancient Sogd culture in the early Iron age and antiquityX

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published worksX

ЎЗБЕКИСТОН ФА МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/02.30.12.2019. TAR.45.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ

ХАСАНОВ МУТАЛИБЖОН

ИЛК ТЕМИР ВА АНТИК ДАВРДА СУҒД МАДАНИЯТИ

07.00.06 – Археология
(тарих фанлари)

ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2021

Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.DSc/Tar89 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Миллий археология марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.archaeology.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, академик

Эшов Баходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор

Ғойибов Бобир Собирович
тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон ФА Миллий археология маркази хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/02.30.12.2019. Таг.45.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» сентябр. соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 81-уй.) Тел.: (+99871) 233-72-81; e-mail: uzarchae@academy.uz).

Диссертация билан Миллий археология маркази Самарқанд филиали - Самарқанд археология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140151, Самарқанд шаҳри, В. Абдуллаев кўчаси, 3-уй.). Тел/факс: (99866) 232-27-75)

Диссертация автореферати 2021 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2021 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Т. Ш. Ширинов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

М. М. Саидов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, PhD

А. А. Асқаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тарихшунослигида Евроосиё халқларининг қадимий тарихи ва маданий меросини ўрганишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Сўнги бронза, илк темир ва антик даврларда Марказий Осиёда бўлиб ўтган тарихий ва миграция жараёнлари, иқлим ўзгаришларини ўрганишда фақат археологик материалларга таянган ҳолдагина бирон хулосага келиш мумкин. Бу заминда инсоният тарихий тараққиётининг барча босқичларида деҳқончилик хўжаликлари билан чорвадор халқлар ягона этномаданий минтақа ҳосил қилганлар.

Дунё археологиясида Марказий Осиё бронза, илк темир ва антик даврлари иқтисодий-хўжалик характериға кўра ранг-баранг ва ўта мураккаб ҳисобланади. Марказий Осиёнинг жанубий-ғарбий минтақаларида деҳқончилик неолитдан то шу кунларға қадар бўлган хронологик босқичлар, маданий алоқалари, минтақавий кўчишлари масаласида фанда илмий баҳслар кўп. Бу муаммолар ўз ечимини фақат замонавий аниқ фанларнинг таҳлилларига асосланган ҳолдагина ўз ечимини топиши мумкин. Мазкур муаммоларнинг жаҳон археологияси тадқиқотлари назарий жиҳатлари билан биргаликдаги кўшимча, янгидан-янги тадқиқотлар ва изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Мустақиллик йилларида қадимги тарихимизни ўрганиш, моддий, маданий ва археологик мерос объектларини тадқиқ этиш ишларига катта эътибор қаратиб келинмоқда. «Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларға қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир»¹. Шу жиҳатдан маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш билан биргаликда уларни илмий тадқиқ этиш ва тарғиб қилишни тубдан такомиллаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалға оширилди. Шу нуқтаи назардан Ватанимиз ҳудудида илк темир даврида шакланган Қадимги Суғднинг Кўктепа, Афросиёб, Кешнинг Узунқир, Нахшабнинг Ерқўрғон шаҳарларида ҳамда Жом, Қўшазизлар ва Сурхондарёнинг Жарқўтон ёдгорлиги юқори қатламларида тадқиқотлар олиб борилиб, кухна тарихнинг қатор муаммолари илмий ечимини топмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февralидаги ПФ–4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 18 январдаги Ф–5181-сон «Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичға кўтарамиз. 1-жилд. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. - Б. 29.

Фармойиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги 792-сон «Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорида, шунингдек, мазкур фаолиятга тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, халқимизнинг бой тарихи ва маданий меросини илмий ўрганиш ва тарғиб қилиш каби фан ва таълим соҳаларига тегишли вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади².

Тадқиқотнинг Республика фан ва технология ривожланишининг 2018-2020 йилларга устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Суғднинг илк темир ва антик даври моддий маданияти ўрганилишига бағишланган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг илғор илмий-тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртлири, жумладан, Париж, Нантер университетлари (Франция), Варшава университети (Польша), Германия археология институти Евроосиё бўлими (Германия), ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар институтининг Ўзбекистон-Франция МАФУз – Жарқўтон халқаро экспедицияси, Ўзбекистон – Италия халқаро экспедицияси, Ўзбекистон - Америка (Нью-Йорк университети) халқаро экспедицияси, Ўзбекистон - Хитой халқаро палеоботаника ва палеоантропология экспедицияси, Ўзбекистон-Япония халқаро экспедициялари томонидан олиб борилмоқда, шунингдек Туркменистон-Франция қўшма халқаро археологик экспедициясининг Улуғдепеда олиб бораётган археологик тадқиқот ишлари бронза ва илк темир даврларини ўрганишда катта ютуқларни қўлга киритмоқда.

Жаҳон кўламида Ўрта Осиё илк темир ва антик даврлар маданиятига бағишланган изланишларда чет эл муассасаларида муаммоларни ўрганиш учун, замонавий тадқиқотлар асосида бир қатор муҳим илмий хулосалар олинган: урбанизацион жараёнлар радиокарбон таҳлили асосида даврий хронологияси, диний муносабатлар, дафн маросимлари, кўчманчи

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони [Электрон ресурс] <https://lex.uz/docs/3107036>; 2018 йил 18 январ «Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармойиши [Электрон ресурс] <https://lex.uz/docs/3506332>; 2019 йил 21 сентябрдаги «Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида» ги Вазирлар маҳкамаси Қарори [Электрон ресурс]. <https://lex.uz/docs/4524476>.

³ Комментарий международных научных исследований по теме диссертации: <https://www.parisnanterre.fr>; <https://www.uw.edu.pl>; <https://www.dainst.org>; [https:// archaeology.nsc.ru](https://archaeology.nsc.ru); www.nsxий u.ru; [http:// archaeology.uz](http://archaeology.uz) и др.

чорвадорлар ва дехқончилик маданиятларининг ўзаро алоқалари ўрганилди (MAFOuz de Sogdiane); минтақавий савдо алоқалари аниқланди; илк темир ва антик даврлар кундалик хўжалик фаолиятида ишлаб чиқарувчи иқтисодий шакллантириш масалалари тадқиқ қилинган (Centre national de la recherche scientifique); палеоботаник материалларнинг радиокарбон ва изотоп таҳлиллари асосида иқлим ўзгаришлари, суғорма дехқончиликда ҳосилдорлик, одам ва уй ҳайвонот суякларидан генетик маълумотлар олинган, уларнинг миграцияси ва эволюцион жараёнларига аниқлик киритилган (University of Chinese Academy of Sciences, Beijing, China).

Илк темир ва антик давр маданиятини ўрганиш бўйича чет эл илмий муассасаларида устувор йўналишда бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда: ушбу даврни хронологиясини ойдинлаштириш; ўрганилаётган даврни кундалик хўжалик машғулотида ишлаб чиқариш иқтисодий шаклланиш масалаларини аниқлаштириш; ёдгорликлардан топилаётган палеоботаник материалларини радиокарбон ва изотоп таҳлиллари асосида иқлим ўзгариши хусусиятларини очиқ бериш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мавзунинг тадқиқ этиш жараёни юз йиллик тарихга эга ва уларни умумлаштириб учта йирик даврларга бўлиб ўрганилди. 1-давр XX асрнинг 30–60 - йиллари йирик ёдгорликларнинг топилиши ва дастлабки қазилма ишлари олиб борилиши, археологик материалларни саналаштириш усуллари яратилиши билан характерланади. Тадқиқотчилар Суғднинг илк темир ва антик шаҳарлар маданиятини, уларнинг тузилиши ва тарихига доир илк илмий маълумотларни қўлга киритганлар. Тарихий минтақаларга ва жараёнларга илмий характеристика беришда В.А. Шишкин, Г.В. Григорьев, А.И. Тереножкин, М.Е. Массон ва С.К. Кабанов каби олимларнинг хизматлари каттадир⁴.

2-давр 1970-1990 йилларни ўз ичига олиб, бу тадқиқотлар воҳалардаги қўплаб марказий шаҳарларни очишга, Ўрта Осиё археологик ёдгорликларини ўрганиш усуллари яратишга қаратилади. Ушбу даврда асосан Суғднинг Ерқўрғон, Қала-и-Заҳхоки-Морон, Сангиртепа, Кучуктепа, Пшактепа, Афросиёб, Кўҳна Термиз ва бошқа марказий ёдгорликларида тадқиқотлар олиб борилди. Бунда асосий эътибор ёдгорликларнинг стратиграфияси ва тарихий топографиясига қаратилди⁵.

Қадимги Суғд маданиятини ўрганишнинг 3-даври Республикамиз мустақиллигининг биринчи йилларидан Ўзбекистон-Франция қўшма археологик экспедицияси Афрасиёб, Кўктепа ва Узунқирнинг Сангиртепа ибодатхонаси каби қадимги шаҳар харобаларида қазилмалар олиб борилиб, уларнинг ички тузилиши борасида муҳим маълумотлар қўлга киритилди.

⁴ Шишкин В. А. Варахша. М., 1963. Кальа и Афрасиаб. Работы Института истории и археологии АН УзССР по изучению домонгольского Самарканда (1945-1966) // Афрасиаб, вып. I. 1969; Тереножкин А.И. Согд и Чач // КСИИМК, М.-Л., 1950.

⁵ Исамиддинов М. Х., [и др.]. Еркурган... – Ташкент, 1984; Сулейманов Р. Х. Древний Нахшаб.. –2000; Исамиддинов М. Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда... 2002.

Тадқиқотлар жараёнида бир қатор илк темир даври ёдгорликларидан радиокарбон таҳлиллари олинди⁶. Хусусан, Ерқўрғоннинг илк мудофаа девори⁷, Қанғ ва Кушон давлатларининг чегара девори Дарбанд - “Темир дарвоза”да⁸ ва Жарқўтоннинг юқори қатламларида олиб борилган тадқиқотлар, айниқса диққатга сазовордир. Бу тадқиқотлар Суғднинг қадимги даврларини янги археологик манбалар ва замонавий тадқиқот услублари билан ўрганилиши минтақада янги илмий хулосаларга ва диний қарашлар эволюциясини тўлиқ ёритилишига олиб келди.

Қарши воҳаси С.К. Кабанов тадқиқотларидан бошлаб бронза ва илк темир даври ёдгорликлари маълум бўлган⁹. Х. Дукенинг Чироқчителида олиб борган ишлари ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ¹⁰. Воҳада, А.С.Сагдуллаев бошчилигидаги Тошкент давлат университетининг археология кафедраси ходимлари кенг қамровли тадқиқот ишларини бошлаб юборади¹¹. Ўтган асрнинг 80 - йилларидан улар томонидан воҳада катта-кичик ёдгорликларни руйхатга олиб, уларни ижтимоий-келиб чиқиш тизимини ўрганади¹². А.С. Сагдуллаевнинг диққатга сазовор ишларидан яна бири илк темир даврида зардуштийлик дафн маросими, меъморчилик каби ўз даврининг долзарб муаммоларига қўл ўради ва уларга имкон қадар илмий жавоб беради¹³. Бактриянинг илк темир даврини ўрганишда А.А.Асқаров¹⁴, Т.Ш.Ширинов¹⁵, Ш.Б.Шайдуллаев¹⁶ ҳиссалари катта.

Суғднинг антик давр муаммолари асосан Ерқўрғон ва Афрасиёб ёдгорликларида нисбатан катта бўлмаган қазилма материаллари билан ёки мазорқўрғонларнинг материаллари асос бўлади. Антик давр маданиятини шаҳарсозлик тизимини ўрганишда Ўзбекистон ФА Санъатшунослик институти гуруҳлари Тоҳаристоннинг Далварзинтепа¹⁷, Холчаён¹⁸,

⁶ Lhuiller J., Bendezu-Sarmiento J., Lecomte O., Rapin C. Les cultures a ceramique modelee peinte del age du rer ancien: quelques pistes de reflexion d'apres les exemples de Koktepe, Dzarkutan (Ouzbekistan) et Ulug depe (Turkmenistan) // l'archéologie française en Asie centrale: nouvelles recherches et enjeux socioculturels. Cahiers d'Asiecentrale 21/22, 2013; Сверчков Л.М., Бороффа Н. Комплекс периода Яз II... // ИМКУ, Вып. 36. 2008.

⁷ Сулейманов Р.Х., Хасанов М., Раимкулов А., Омельченко А. Эпоха Заратустры и начало урбанизации древнего Нахшаба // ОНУ, № 1. 2002. С. 9-17; Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб..., 2000.

⁸ Грене Ф., Рахманов Ш.А. Новые данные о дате первой системы фортификации Афрасиаба...// Роль Самарканда в истории мирового культурного развития. ММ научного... 2007

⁹ Кабанов С.К. Археологические памятники зоны Чимкур.... Изв.АН УзССР. Серия общ. наук. 1957, №2.

¹⁰ Дукен Х. Чиракчинское поселение // ИМКУ, вып. 17. – Ташкент, 1982.

¹¹ Сагдуллаев А. С. Поселения раннежелезного века в бассейне Кашкадарьи // СА, № 3. – М., 1984.

¹² Сагдуллаев А. С. Два редких сосуда из Даратепа // ОНУ. № 3, 1986: Его же Поселения раннежелезного века в бассейне Кашкадарьи // СА, № 3. – М., 1984: Сагдуллаев А.С., [и др.]. Кашкадарё тарихидан лавҳалар. Тошкент. 1997. Шахриябз наследие тысячелетий. – Ташкент, 2002: Сагдуллаев А.С. [и др.].Бронза ва илк темир даври ёдгорликларининг географияси ва картаграфияси. 2019.

¹³ Сагдуллаев А. С. К изучению культовых и погребальных...// Древняя и средневековая...– 1990.

¹⁴ Асқаров А. А. Крашенная керамика Джаркутана // БД. – Л., 1976; Асқаров А. А., Альбаум Л. И. Поселение Кучуктепа. –1979; Он же. Древнеземледельческая... – 1981; Асқаров А. А., [и др.]. Джаркутан.... – 1983.

¹⁵ Ширинов Т. Ш., [и др.]. К вопросу о хронологической периодизации Кучук...// ИМКУ, вып. 22. 1988; Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии.... АДД. М., 1993.

¹⁶ Шайдуллаев Ш. Б. Талашкантепа I – крепость раннего железного века на территории..... ТД. 1988.

¹⁴ Пугаченкова Г. А., Ртвеладзе Э. В., Беляева Т. В. Дальварзинтепа — кушанский город на юге.... 1978.

¹⁸ Пугаченкова Г. А. Халчаян. К проблеме художественной культуры Северной Бактрии. – Ташкент, 1966.

Кампиртепа¹⁹, Қўрғонзол²⁰ ва Узундара²¹ каби турли хилдаги ёдгорликларини кенг қамровли қазишмалар асосида ўрганилганлиги катта аҳамиятга эга (масалани ўрганилиш тарихи диссертациянинг 1 бобда берилган).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий - тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иш режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар институтида ишланган “Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи қадимги тош, илк металллар ва антик даврлари ёдгорликларини тизимли тадқиқот этиш ҳамда Ўзбекистон халқлари тарихий мероси объектларини сақлаш” (ФА-Ф-1-001) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади Суғднинг илк темир ва антик даври моддий ва маънавий маданиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

янги археологик ёдгорликларда олиб борилган кенг қамровли қазишмалар асосида илк темир ва антик даврларда Суғд худудида дафн маросимларини тизимли ўрганиш;

зардуштийликнинг шаклланиш жараёнларини муҳим масалаларини ўрганиш, ибодатхоналарни меъморчилик анъаналарини бронза давридан илк ўрта асрларга қадар бир тизимда ўрганиш;

тадқиқотлар асосида Суғднинг мил. авв. X-IX асрларидан милоднинг бошларига қадар тарихий жараённи узлуксиз стратиграфик қатламлар ва радиокарбон таҳлиллари асосида ўрганиш;

Қадимги Суғдда ибодат маросимларини ривожланиш босқичларини даврма-давр кузатиш ва характеристикасини яратиш;

Суғднинг илк темир даври ёдгорликларида кенг қамровли қазишмалар асосида турар-жойларнинг ички тузилиши типологиясини яратиш;

Суғднинг антик давр ёдгорликлари типологиясини яратиш ва уларни тарқалиш худудларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти этиб Суғд аҳолисининг илк темир давридан антик даврларига қадар кундалик турмуш тарзи, ижтимоий муносабатлари, маънавий ҳаёти, хўжалиги, ўзаро маданий алоқалари, маданиятлар уйғунлиги ва уларнинг генезиси танланган.

Тадқиқотнинг предметини Суғднинг илк темир ва антик давр ёдгорликларида янги қазишмалар натижасида қўлга киритилган стратиграфик маълумотлар хронологияси ва даврлаштириш муаммолари билан боғлиқ барча моддий - маънавий ва маданият материаллари ташкил этади.

¹⁹ Ртвеладзе Э. В. Кушанская крепость.. // ВДИ, № 2. –1984.

²⁰ Сверчков Л. М. Эллинистическая крепость Курганзол // Материалы по античной культуре... – 2005.

²¹ Двуреченская Н. Д., Горин А. Н., Шейко К. А. Монеты из крепости Узундара // Scripta antique. Вып. 5. – М., 2015; Двуреченская Н. Д. Предварительные материалы археологических работ 2014 г. На крепости Узундара // Проблемы истории, филологии, культуры. № 1 (Январь-Февраль-Март) (47) – М., 2015; Двуреченский О. В. Бронзовые наконечники стрел крепости Узундара // КСИА, вып. 248. – М., 2017.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида тарихийлик, тизимлилик, холислик, тўпланган археологик материалларни илмий таҳлиллашни фан ютуқлари асосида умумлаштириш ва уларга қиёсий солиштириш тамойиллари асосида ёндашиш, даврий, таснифий усуллари танланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Жарқўтон арки худудида очилган илк темир даври қабристонидан этдан тозаланган йирик суякларни қамиш бўйраларга ўраган ҳолда ёки саватларда кўмиш дафн турининг пайдо бўлиши асосида ушбу даврда зардуштийлик элементларининг янада кучайганлиги аниқланди;

ибодатхоналар, қишлоқ ва қабристонларида аниқланган махсус тош ва сопол бўлаклари терилган ибодат майдонлари, покланиш чуқурлари мисолида бронза давридан сўнгги эллинизм давригача диний урф - одат, маросимлар анъанаси сақланиб қолганлигини аниқланди;

мил. авв. X-IX асрлар ёдгорликларидан олинган янги археологик материаллар ва радиокарбон маълумотлари асосида Суғдда урбанизацияни бошланиши, Яз II даврида қавийларнинг кириб келиши ҳамда Суғд ибодатхоналарининг бронза давридан то илк ўрта асрларга қадар Окс диний қурилиш архитектураси генезиси ва динамикаси аниқланди;

Кўктепа ва Жарқўтон ёдгорликларида аниқланган қадимий турар жойлар мисолида бу даврда енгил конструкцияли ертўла, ярим ертўла шаклидаги турар жойларда ҳам хўжалик майдони, ибодат жойлари ва ошхонадан иборат эканлиги қайд этилди;

Кўрғонча ёдгорлиги сопол мажмуасини қиёсий ўрганиш орқали маҳаллий сопол ишлаб чиқаришдан (мил. авв. VI-V асрлар) эллин анъанасига (мил. авв. III-II асрлар) ўтиш жараёнлари кузатилганлиги, Афросиёб ва Кўктепа сопол идишлар мажмуаси асосида эса мил.авв. III-II асрларда даҳларнинг Чирикработ маданияти кулоллик анъаналари кириб келганлиги аниқланди.

мил. авв. II-I асрларда квадрат шаклдаги режага эга, марказида арк жойлашган қалъа кўринишдаги шаҳарлар (Киндиктепа) мисолида даҳларнинг Тошкент, Зарафшон ва Бухоро худудларида жойлашиши аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қадимги Суғднинг Кўрғонча мавсумий қишлоқ манзилгоҳида, Бойсаритепа, Киндиктепа қалъаларида ва Кўктепа, Узунқир, Ерқўрғон каби воҳа шаҳар-марказларида аниқланган сопол мажмуалари типологияси ишлаб чиқилган;

Суғднинг антик давр ёдгорликларини харитаси яратилди ва уларни турли табиий шароитларда жойлашуви қонуниятлари аниқланган;

Суғднинг бронза давридан илк ўрта асрларгача мавжуд зардуштийлик ибодатхоналарининг қурилиш меъморчилиги анъаналари эволюцияси аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва услубларнинг жаҳон фанида тан олинганлиги, ёзма манъбаларда ва

археологик тадқиқотлар давомида қўлга киритилган артефактларни таҳлил қилишда қўлланилаётган замонавий усуллар, тарихий ва назарий хулосалар, илмий адабиётлар маълумотлари янги хулосалар ва таклифлар билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Илк темир ва антик даврда Суғд маданиятини археологик жиҳатдан ўрганиш жараёнида ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

Кўктепа, Сангиртепа ва Суғднинг бошқа ёдгорликларидан олинган радиокарбон таҳлиллари асосида мил. авв. X-IX асрларда катта урбанизация жараёнлар бошланганлиги борасидаги маълумотлар ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар институтида 2015-2017 йилларда бажарилган ФА-Ф-1-001-“Ўрта Осиё икки дарё оралиғи қадимги тош, илк металлар ва антик даврлар ёдгорликларини тизимли тадқиқот этиш ҳамда Ўзбекистон халқлари тарихий мероси объектларини сақлаш” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 16 августдаги 3/1255-2273-сон маълумотномаси). Натижада қадимий Суғд шаҳарларининг пайдо бўлиши ва уларни воҳаларнинг маъмурий шаҳар-марказлари даражасигача ривожланиши жараёнларини археологик манбалар асосида кузатиш имконини беради;

Афросиёб ва Кўктепа шаҳар харобаларидан аниқланган уй - рўзғор буюмлари, сопол идишлар ва бошқа моддий маданият намуналари Самарқанд шаҳрининг қадимги давр тарихига оид экспозицияни яратилишида кенг фойдаланилган (Маданият вазирлигининг 2020 йил 12 ноябридаги 01-02-10-5061-сон маълумотномаси). Натижада музей экспонатлари орасидан жой олган ушбу буюмлар музейга ташриф буюрувчиларга Суғдда яшаган аجدодларимизнинг турмуш тарзи, шаҳарсозлиги, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишларида хизмат қилган;

Кўктепа, Афросиёб, Ерқўрғон ва Узунқир каби қадимий шаҳарларда ўтказилган археологик ишлар натижасида аниқланган қадимий ибодатхоналар, турар-жой ва уларнинг қурилиш анъаналари каби хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги «Dunyo bo'ylab» ва Ўзбекистон тарихи” телеканалларида турли хил телекўрсатувлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 11 августдаги 08-14-196 сон ва 02-40-1328-сон маълумотномалари). Кўрсатувлар томошабинларнинг илк темир ва антик давр Суғд тарихи, моддий ва маданий ҳаётига доир янги маълумотларни эгаллашларига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалар 9 та илмий конференция ва семинарларда, шу жумладан: 5 та халқаро, 4 та маҳаллий илмий-амалий конференцияларда ва 20 йилдан ортиқ вақт

давомида Ўз ФА Археология институтининг йиллик дала тадқиқот ҳисобот сессияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий ишлар, жумладан 1 та монография, нуфузли илмий нашрларда 10 та мақола, улардан 2 таси тегишли фан тармоғи ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли ихтисослашган илмий журналларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг тадқиқот қисми 260 бетни ташкил қилади. Диссертацияга 128 та иллюстратив материалдан альбом илова қилинган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги, ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, амалий натижалари, нашр этилган илмий ишлар тўғрисида маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи боби “Қадимги Суғднинг археологик ўрганилиш тарихи”, деб номланган. Унда XIX асрнинг охирларидан XXI аср бошларига қадар Суғда олиб борилган изланишлар қамраб олинган. Ўрганилиш тарихи 3 босқичдан иборат. **Биринчи босқичда** археологик ёдгорликлар тўғрисида маълумотларни тўплашдан иборат бўлган. Бунда кўпроқ Туркистон ҳаваскор археологлар тўғараги фаолияти ҳақида маълумотлар келтирилган бу даврда нисбатан кам бўлган археологик ва тарихий ёзма манбалар асосида қадимги тарихни тиклашга ҳаракатлар бошланади. Бунда муаммо ечими учун В.А. Шишкин, Г.В. Григорьев, А.И. Тереножкин, Е.М. Массон ва С.К. Кабановларнинг илмий ишлари диққатга сазовордир²².

Иккинчи босқич иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда Ўрта Осиё ҳудудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар билан боғлиқ. Бу даврнинг ўзига хослик томонлари илк марта қазилган ишлари усуллари шаклланади, археологик материалларни таҳлил қилиш ва улардан тарихий хулосалар чиқариш бошланади. Суғднинг Афрасиёб, Ерқўрғон, Қала - и - Захоки-Морон каби ёдгорликларида мунтазам археологик тадқиқотлар давом эттирилди. Қадимги Кешнинг маркази, Шўробсой мировҳаси аниқланади. Узунқирда илк қазилган ишлари бошланади. Бухоро шаҳрининг антик давр қатламларида ва Пойканд ёдгорликларида тизимли археологик қазилма ишлари олиб борилади. Барча тарихий маданий воҳаларнинг

²² Шишкин В.А. Варахша. М., 1963; К истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей // Афрасиаб, вып. I. 1969. 1969; Тереножкин А.И. Согд и Чач // КСИИМК, М.-Л., 1950.

археологик ёдгорликлар хариталари тузилади уларни типологияси ва системаси ўрганилади²³.

Учинчи босқич Республикамизни мустақиллик йилларида кўплаб чет эллик археологик экспедицияларнинг Ўрта Осиё республикаларига кириб келиши, янгича илмий қарашлар ва қазилма ишларида методика ва табиий фанлар таҳлилларидан кенг кўламда фойдаланилганлиги билан характерланади. Самарқанд Суғднинг Афрасиёб ёдорлигида ишлар кенгайтирилади. Кўктепа шаҳрининг очилиши Марказий Осиё тарихини ёритишда катта илмий манба сифатида тан олинади²⁴. Кешнинг Узунқир шаҳрида Сангиртепа ибодатхонаси очиб ўрганилади. Подаётқда олиб борилган ишлар эллинизм маданиятини ёритишда кам бўлсада ашёвий далиллар беради. Самарқанд Суғдининг археологик ёдгорликлар харитаси тузилади. Шу ёдгорликлардан радиокарбон таҳлиллари олинди, улар янгича даврий сана билан даврланади²⁵. Қисқа вақт давомида Хумбузтепа²⁶ Хоразмда ва Бандихон ёдгорликлари тизимидаги Киндиктепа²⁷ каби зардуштийларнинг ибодатхоналари, Жарқўтон аркининг юқори илк темир даври қатламларида кенг қамровли қазилмалар олиб борилди²⁸, Бу ибодатхоналарни очилиши Суғд ҳудудида динлар тарихини ва уларни келиб чиқиш узакларини ўрганишда муҳим ютуқлар кўлга киритилди. Ерқўрғоннинг илгари номаълум бўлган даври аниқланди²⁹, Дарбанд мудофаа девори қисман очиб ўрганилди³⁰.

Диссертациянинг иккинчи боби “Қадимги Кешни ўрганилиши”, деб номланади. Ушбу бобнинг **“Китоб туманининг шимоли-ғарбий қисмини ўзлаштирилиш тизими”,** деб номланган биринчи бандида, Китоб туманининг шимоли-ғарбида жойлашган Қайнарбулоқ ва Сангартак сойлари (Шўробсой микроҳаёси) булоқ сувлари негизида пайдо бўлган юздан ортиқ археологик ёдгорликлар (қадимги қишлоқ ва шаҳарлар) иборат³¹. Ёдгорликлар географик жойлашувига кўра икки катта гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ ёдгорликлари денгиз сатҳидан 800 - 1150 м баландликда, Қайнар ва Ҳасантепа қишлоқлари ҳудудида жойлашган тоғ олди ёдгорликлари киритилган. Бу ҳудудда кенг яйловлар, булоқларни кўплиги сабабли чорва хўжалиги бугунги кунга қадар ананавий ривожланиб келмоқда.

²³Исамидинов М.Х., Сулейманов Р.Х. Еркурган...1984; Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб... 2000.

²⁴Афрасиёб I-IV тома. 1969-1973.; Ширинов Т.Ш., [и др.]. Археология древнего Самарқанда. 2002.

²⁵Lhuiller J., Bendezu-Sarmiento J., Lecomte O., Rapin C. Les cultures a ceramique modelee peinte del age du rer ancient: quelques pistes de refiexion dapres les exemples de Koktepe, Dzarkutan (Ouzbekistan) et Ulug depe (Turkmenistan) // l'archéologie française en Asie centrale: nouvelles recherches et enjeux socioculturels. Cahiers d'Asiecentrale 21/22, 2013; Сверчков Л.М., Бороффа Н. Комплекс периода Яз II... //ИМКУ, Вып. 36. 2008

²⁶Баратов С.Р. Новые данные по археологии Южного Хорезма // АИ, вып., № 1, (6). Самарқанд. 2013.

²⁷Сверчков Л. М., Бороффа Н. Археологические работы в Бандыхане в 2006–2007 гг. // АИ, вып. 6. – 2009.

²⁸Мустафокулов С. И. [и др.]. Полевые работы Узбекско-Французской... экспедиции... // АИ, вып. 8, 2012.

²⁹Сулейманов Р.Х., [и др.]. Эпоха заратуштры и начало урбанизации древнего.... ОНУ. № 1. 2002.с.9-17.

³⁰Грене Ф., [и др.]. Новые данные о дате первой системы фортиф //Роль Самарқанда... ММ науч.... 2007.

³¹Сулейманов Р.Х.,[и др.]. О работах Кешского археологического отряда...//АИ, вып. 1. – 2001. – С. 171.

Иккинчи гуруҳ ёдгорликлар денгиз сатҳидан 650 - 800 м бўлган баландликда жойлашган. Бу ҳудудлар VIII-IX асрларда суғорма деҳқончилик каналлари тизими асосида ўзлаштирилади.

Учинчи гуруҳ ёдгорликлари денгиз сатҳидан 500-650 м баландликда кузатилади. Бу ҳудудда сунъий суғорилишга асосланган деҳқончилик мил. авв. XIV-XII асрларда Қашқадарёнинг юқори қисмида Наутака-воҳасининг пойтахти Кеш шаҳри – ҳозирги Подаётқтепа, Узунқир ва Сангиртепа ёдгорликлари мисолида ривожланган.

Мил. авв. II аср ўрталари Суғда қуёи Сирдарёдан даҳларнинг кириб келиши билан характерланади. Бу даврда Ерқўрғон қайта қурилади, Косон туманидаги Киндиктепа, Нахшаб воҳасидаги Қалъаи-Заҳҳоки Морон, Марказий Суғдаги Кумушкент ва Қўрғонтепа каби шаҳарлар маҳобатли девор билан ўраб олинганлиги кузатилади. Кеш воҳасининг маркази қадимги Қаландартепа ўрнига кўчиб ўтади. Туманнинг шимоли-ғарбида олиб борилган қидирув ишлари натижасида 4 та шаҳар типидagi ёдгорлик, 7 та ўрта ҳажмдаги шаҳарчалар ва 15 та қишлоқ манзилгоҳлари аниқланди.

Диссертациянинг **иккинчи боб иккинчи банди “Сангиртепа-қадимий Кеш шаҳри ибодатхонаси”**, деб номланади ва унда Сангиртепа ёдгорлигида қўлга киритилган археологик тадқиқотлар тавсифи берилган³². Сангиртепа ибодатхонаси Узунқирдан 650 м, Подаётқтепадан 1,5 км жанубда жойлашган. Сангиртепа ёдгорлиги икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм мудофаа девори билан ўраб олинган маркази (84x62 м), унинг баландлиги тахминан 8 м атрофида. Иккинчи қисми 200x180 м ўлчамдаги кўрғонни ўраб олган мудофаа деворидан иборат. Ёдгорлик тадқиқоти натижасида қуйидаги 5 та қурилиш даврлари кузатилди.

Сангир I босқичи. Материк устидан ва ертўлаларнинг маданий қатламларидан Кучук - II ва КТ - II даври сопол идишларга хос мажмуа қўлга киритилди. Атига 1% идишлар ташқи томонида оққиш асосга майда чизиклар билан безатилган. Шу даврда қадимги Кеш шаҳри Узунқир 70 га майдонни ўраб олган мудофаа девори, Подаётқтепа шаҳар арки ва Сангиртепа – ибодатхона сифатида 3га майдони ташкил топади³³. Радиокарбон таҳлилларга кўра, бу қатлам 2982 BC±30 CBP (Gif 12277 / SacA 10176) санаси аниқланди³⁴.

Сангир II босқичи 3 - қазишманинг марказида ва жануби-ғарбида деворлардан кўтарилган жамоа меъморий мажмуасининг бир қисми очилди. Қазишманинг икки ерида кўпхонали меъморий иншоот қурилганлигини кўраимиз. Стратиграфик кузатувга кўра, Сангир – II босқичи яна бир нечта майда даврларга бўлинади. Қатламлардан қўлга киритилган археологик

³² Крашенинникова Н.И. Работы в Китабском и Шахрисябзском районах // АО. – М., 1983. – С. 459.

³³ Отчет об археологических работах на поселениях Подаятактепа и Сангиртепа за 1997 год. Самарканд, 1998. (Хранится в архиве ИА АН руз. Ф. 3, О. 1, Д. 117).

³⁴ Laboratoire de Mesure du Carbone 14 (ARTEMIS) par spectrometrie de masse par acceleration (SMA).

материалларга ва меъморчилик иншоот қолдиқларига асосланиб Сангир-II босқичини милоддан аввалги X-VIII асрларга оид, деб ҳисобладик.

Сангир III босқичини асосий белгиловчи омили маркази зал (11x10,50 м), уни ўраб олган коридорсимон хоналар ва тақасимон пешайвонли Тахти – Сангин тизимидаги меъморий мажмуадир. Марказий залга кириш порталнинг жануби - шарқий бурчагида девори бўйлаб махсус шағал ётқизилган йўлак орқали ибодатхонанинг ёрдамчи хоналарига кирилади. Биринчи ибодат ёдгорликнинг шарқий қанот хонасида махсус ваннасимон шаклдаги чуқурларда, амалга оширилган. Ибодат чуқурларининг поли ёки қирғоғи тошлар билан қопланган. Сўнгра марказий залнинг шарқий эшиги орқали альтар олдига кирилган. Альтарнинг диаметри 30 см, чуқурлиги 7 см. Альтардан 1,5 м шимолда ўлчамлари 35x35 см, чуқурлиги 15 см бўлган чуқурда тоза ариқ куми, устидан тош (46x46x6 см) билан беркитиб қўйилган. Тоза ариқ қумини сув рамзи деб қабул қилсак, у ибодатда муқаддас олов билан бир хил илоҳий кучга эга бўлган. Залнинг жануби-ғарбида ўлчамлари 1,5x0,35 м, чуқурлиги 15 см бўлган иккинчи ибодат - чуқури кузатилди³⁵. Тошлар орасида қўйган ёғочнинг қолдиқлари кузатилди. Лойи балчиқсимон тус олганлиги ва тошлар зич лойга ботиб турганлигидан ибодатда сувдан фойдаланганликларини айтиш мумкин. Зал полидан ибодат билан боғлиқ бўлган иккита қўй жағ суяклари ва икки деворли хум парчаси топилди.

Марказий Осиёдаги бошқа қадимий ёдгорликларда ҳам Сангиртепага ўхшаши муқаддас ер софлигини сақлаш удумлари Жарқўтон қудуғига олиб боровчи йўлакда³⁶, Кучуктепада³⁷, Нуртепа³⁸, Пшактепа³⁹ ва Тиллатепа⁴⁰ ибодатхоналарида кузатилади. Жанубий эшик, барча диний амалларни бажаргандан кейин ибодатхонадан чиқиш учун мўлжалланган. Эътиборли томони шундаки, чиқиш эшикда ер сатҳида майда тош қатлами кузатилмади.

Марказий залнинг шарқий ярмида 24 та цилиндр шаклли чуқурларда дарё куми, тоза оқ кул, кўмирли кул, тупроқ билан аралашмалари кул кузатилади. Уларнинг юзаси лой ёки майда тошлар билан махсус қопланган, чуқур оғзининг диаметри 0,35 – 0,50 м, чуқурлиги 0,14-0,9 м. Бу чуқурчалар тўламидаги зардуштийликнинг уч унсури; олов (альтар, кул), сув (қум ёки шағал) ва ер (ибодат майдонларини махсус тош ва сопол синиқлари) билан қопланиши⁴¹. Сангир III даври археологик материалларни илмий таҳлили асосида мил. авв. VII-VI асрлар, яъни Ўрта Осиёни ахамонийлар салтанати

³⁵ Хасанов М., Люилье Ж. [и др.]. О работах на городище Подаяктапепа // АИ, вып. 9. – 2013. Рис. 3.

³⁶ Аскарлов А. А., Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга...–1993. – 162 с., 90 илл.

³⁷ Аскарлов А. А., Альбаум Л. И. Поселение Кучуктепа. – Ташкент, 1979. – С. 17.

³⁸ Беляева Т. В. О работах Нуртепинского отряда в 1984 г. // АРТ. Вып. XXIV. – Душанбе, 1993. – С. 51–57.

³⁹ Аскарлов А. А. Раскопки Пшактепа на юге Узбекистана // ИМКУ, вып. 17. 1982. – С. 30–41.

⁴⁰ Сарияниди В. И. Раскопки Тилла-тепа в северном Афганистане. Вып. 1. – М., 1972.

⁴¹ Рапэн К., Хасанов М. Сакральная архитектура Центральной Азии с ахеменидского периода по эллинистическую эпоху: между локальными традициями и культурным трансфером... 2013. – С. 42–58.

таркибига киргунга қадар, аниқроғи Кир II ҳукуматга келгунга қадар бўлган давр, деб ҳисоблаймиз.

Сангир IV босқичи катта диний ислоҳат туфайли Сангир III давридаги ибодатхона маҳсус қўмилади ва ибодат маросимлари очик осмон остида амалга оширилади. Бу давр қатламлари 1997 йили бузиб йуқ қилинган. 3 қазилманинг жануби-ғарбида Сангир III даврини кесиб тушган чуқур тагидан бир нечта цилиндр-конус шакилли сопол идишлар мажмуаси топилди. Биз бу идишларни Афр-16⁴², Саратепа-2⁴³ каби мажмуалар билан қиёслаб милоддан аввалги VI-V асрларга оид деб ҳисобладик.

Сангир VA поли майда тош билан қопланган кенг майдон марказида анъанавий чуқурчали альтар, чуқурларда зардуштийлик ақидаларига хос кул, шағал ва қум каби қурбонлик унсурлари кузатилади. Сопол идишлар цилиндрсимон мил. авв. IV-III асрларга оид. Шу билан бирга майдон полида иккита уч парракли, ялпоқ дастали бронзадан таёрланган камон учи топилди.

Сангир VB босқичида очик осмон остида ибодат анъанаси давом этади, майдони анча қисқарган, қатлам қалинлиги атиги 20-10 см. Қазилманинг ғарбий томонидан супасимон альтар Антиох I Сотернинг тангаси (мил. авв. 281-261 йиллар)⁴⁴ билан бирга очилди. Бу топилмалар қурилиш даврини аниқловчи асосий далил ҳисобланади.

Шунингдек, Сангиртепа **қалъа деворининг** жанубида трактор билан кесилган ери материкгача тозаланди. Натижада эни 450 см бўлган пахса девор кузатилди. Сангиртепа ўзининг илк фаолияти даврларидан маркази монументал девор билан ўралган жамоа ибодатхонаси сифатида шаклланган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Узунқир - Кеш шахрининг мудофаа девори”**, деб номланган учинчи бандида Узунқир мудофаа деворида олиб борилган тадқиқотлар қўлга киритилган баён қилинган. Бу шахарнинг шимолий, шарқий ва жанубий томонлари Узунқир девори билан, шимол ва ғарб томонлари Шўробсой билан мудофааланган. Ҳозир кунда ушбу деворни сақланиб қолган қисмининг узунлиги 450 м, девор асосининг кенглиги 20 метрдан ортиқ. 2002 йилги қазилмалар натижасида девор кесмаси 1 метрга кенгайтирилди ва унда қуйидаги Узунқир I, II, III, IV қурилиш даврлари кузатилди.

Узунқир I босқичи девори материк устида гувалаклардан (30-50x20-25x15-20 см) терилган, унинг асоси кенглиги 560 см, баландлиги 160 см. Археолог олима О.Н. Лушпенко томонидан амалга оширилган қазилмалар давомида Узунқир I босқичига оид қатламлардан Кучук I (мил. авв. X-VIII асрлар) даврига оид сопол идишлар мажмуаси топиб ўрганган⁴⁵.

Узунқир II босқичи девори олдинги Узунқир I девори устидан 52-55x25-27x15-16 см ўлчамдаги ғиштлардан эни 220 см, баландлиги 150 см

⁴² Кабанов С. К. Освоение западных районов...// К исторической топографии... 1981. – С. 43. Рис. 19.9–13.

⁴³ Иваницкий И. Д. Саратепа-2 — поселение керамиков середины I тыс...// ИМКУ, вып. 26. – Ташкент, 1992.

⁴⁴ Атаходжаев А. Х., [и др.]. Об античных археологических горизонтах Сангиртепа // АУ, вып. 2 (9). 2014.

⁴⁵ Лушпенко О. Н. Керамические комплексы раннежелезного века Южного Согда... // ММК, – М., 2000.

терилганлиги аниқланди. Шу ўлчамдаги ғиштлардан Сангиртепа ибодатхонаси (мил. авв. VIII-VII асрлар) қурилишида ишлатилган, Қизилтепа I ва II – горизонтларида⁴⁶ ва Ерқўрғонда эса мил. авв. VI-IV асрларга оид⁴⁷.

Узунқир III босқичи девори ички томондан қалинлиги 220 см, ғишдан (42-43x13-14 см) мустаҳкамланади. Худди шу ўлчамдаги ғиштлардан Қизил I даврида ҳам фойдаланилган⁴⁸. Узунқир III босқич деворни мил. авв. VI-IV асрларга оид ҳисобланади.

Узунқир IV босқичи девори ёдгорликнинг репер нуктасидан 70 см чуқурликда текис горизонтал пол кузатилади, лекин бу ерда кенг миқёсдаги қазиш ишлари олиб борилмаган. Стратиграфик қатламлари мил. авв. IV-II асрларга яъни, Сангир V даврига оид эканлиги аниқланди.

Иккинчи бобнинг “**Подаётқтепа - қадимги Кешнинг арки**” номли тўртинчи бандида Подаётқтепа тўғрисида маълумотлар берилган. Унинг майдони 210x74 м, баландлиги 7-10 м. Ёдгорликнинг шимоли-шарқ ва шимоли-ғарб томонларини Шўробсой ювиб 20-30 м жарлик ҳосил қилган, қолган томонлари девор билан ўралган⁴⁹. Подаётқтепанинг 1-қазишмасида қуйидаги 5 та стратиграфик ПДК-I-V босқичлари кузатилди.

ПДК-1 даврига тегишли маданий қатламлар 1, 3 ва 6 – қазишмаларнинг қуйи қатламларидан олинди. Бу ашёвий далиллар ўз тадқиқотлар натижасига кўра, мил. авв. X-IX асрларга оид, улар орасида Сангир I ва Узунқир I босқичларига хос сопол идишлар учрайди⁵⁰.

ПДК-2 даврида мил. авв. VIII-VII асрларга оид Подаётқтепанинг илк мудофаа девори очиб ўрганилган. Деворни қурилиш техникаси ва ғиштлар Сангиртепа ибодатхонаси девори ва Узунқир II босқичи ғишлари билан бир хил ўлчамда мил. авв. VII-VI асрларга оид.

ПДК-3 босқичида қалъа девори бўйлаб квадрат ғиштлардан (45x45x16-18 см) турар-жойлар қурилади. Сопол идишлари Афр-IV босқичига, яъни мил. авв. VI-V асрларга тўғри келади.

ПДК-4 босқичида 1 ва 3-қазишмаларда ичи галереяли қалъа девори кузатилди. Бу икки устма-уст қурилган деворлардан иборат. Сопол идишлари асосида девор фаолияти мил. авв. IV-II асрларга оид деб белгиланди. Бу қатлам материаллари Сангир IV ҳар икки босқичлари ва Узунқирни юқори қатламлари билан бир тарихий жараёнга хос.

ПДК-5 босқичида ёдгорлик усти ўзлаштирилган. 4-қазишмада енгил конструкцияли турар-жой ёғоч устун қолдиқлари кузатилди. Сопол идишлар

⁴⁶ Сағдуллаев А. С. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент, 1987. – С. 21.

⁴⁷ Туребеков М. Оборонительные сооружения древних поселений и городов Согда... – Нукус, 1990. – С. 84.

⁴⁸ Сағдуллаев А. С. Усадьбы древней Бактрии. – С. 21.

⁴⁹ Крашенинникова Н. И. Древнеземледельческий оазис Южного Согда // АО. 1986. – С. 461; Она же. Работы в Китабском и Шахриябзском районах. – С. 458–459; Она же. Работы в Китабе // АО. – 1984. – С. 474; Она же. Раскопки в Китабском районе // АО. –1985. – С. 533–534; Омельченко А. В. [и др.]. Раскопки на городище Падаятас... // ОНУ, № 1–2. –1999. – С. 72–75.

⁵⁰ Lhuillier J. Les cultures à céramique modelée peinte en Asie Centrale méridionale. Dynamiques socio-culturelles à l'âge du Fer ancien (1500-1000 av. N.è.) // Mémoires de la Mission Archéologique Française en Asie Centrale XIII. Paris, 2013a;

мил. авв. III-II асрларга ва мил. IV-V асрларга хос аралаш ҳолда учрайди. XVI-XVIII асрларда эса Подаётқоттепа ўрнида қабристон кузатилади.

Диссертациянинг **учинчи боби “Ўзбор воҳасининг антик давр ёдгорликларини ўрганилиши”**, деб номланади. Ушбу бобнинг **“Қўрғонча мавсумий манзилгоҳи”** номли **биринчи бандида** ушбу қишлоқ манзилгоҳи тўғрисидаги маълумот берилган. Қўрғонча ёдгорлиги мил. авв. V-IV асрларга оид мавсумий манзилгоҳлардан бири бўлиб, у Қашқадарё вилоятининг пасткам адир зонасида, Ўзбор–Шаҳрисабз магистрал йўлининг 6-км.да жойлашган. Қўрғонча ёдгорлиги шаҳар ташқарисида жойлашган мавсумий ертўла ва ярим ертўлаларда истиқомат қилган деҳқонларга тегишли манзилгоҳ бўлган. Эътиборлиси шундаки 3 - ертўла уй - тўғри тўртбурчак шаклида қурилган, бу ҳам ўтроқ-шаҳарликлар анъанасидир.

Шу бобнинг **иккинчи бандида “сопол идишлар мажмуаси”**, деб номланади ва унда қазилма давомида қатламлардан қўлга киритилган археологик материаллар асосида ёдгорликни стратиграфияси аниқланган. Қўрғончада учта қурилиш босқичлари қайд этилди. Унинг қуйи босқичига цилиндрсимон шаклли сўнгги аҳамонийлар даврига хос сопол идишлар характерлидир. Иккинчи босқичга хос аломатлардан бири маҳаллий сопол идишлар мажмуасига қизил рангли сайқалланган сопол идишларнинг кириб келишидир. Ёдгорликда сўнгги босқич маданий қатлами атига 50-60 см қалинликда кузатилади. Қазилма марказида ўчоқ унинг атрофларида хўжалик билан боғиқ бўлган супа ва пол сатхлари кузатилди. Шулардан хулоса қилиб аҳоли шу ерга муқим, доимий истиқомат қилиш учун уй қурган. Сўнгги босқич сопол идишларида сайқал бериш деярли учрамайди, аммо, уларни қизартириб пишириш анъанаси оммалашади.

Ушбу бобнинг учинчи “Сопол идишлар типологияси” бандида Қўрғонча манзилгоҳининг ўзига хослик томонларидан бири мавсумий ертўлаларнинг борлигидир. Ертўлаларни қуриш давомида жуда кўплаб сопол идиш синиқлари аралаш ҳолга келган. Идишларнинг типологиясига уларнинг шакли, гардиши, таг қисми, қўлда ясалганлари белгилари асос қилиб олинди. Маълум бўлишича, анъанавий Сополли маданиятига хос идишлар мажмуасига мил. авв. V-IV асрларда қизил сайқалли Ғарбий Эрон ҳудудларига хос бўлган бир мажмуа сифатида кириб келиб Суғд кулоллигида эллилар маданиятигача тубдан ўзгариш яратади.

Учинчи бобнинг тўртинчи параграфи “Қизил-сайқалли сопол” идишлар мажмуаси ўзининг шакли, сайқали ва лойига ишлов бериш ва пишириш техникаси билан кескин фарқ қилади. Ўрта Осиё бир неча марта йирик империялар таркибида бўлган ва уларнинг таъсир доирасида қолган. Қўрғончанинг қизил сайқалли сопол идишлари асосида аҳамонийлар даврида ҳам бу қонуният давом этганлигини кузатамиз. Бу мажмуанинг аниқ санасини мил. авв. V-III асрлар эканлигини таъкидлаш мумкин.

Олтинчи бобнинг бешинчи **“Қўрғонча умумий сопол идишларининг солиштирма таҳлили”**, деб номланган бандида типологик ва стратиграфия

таҳлиллар асосида қўлга киритилган маълумотлар илмий қиёсланди. Натижада, Қадимда Суғд учун ахамонийлар давридан эллинлар даврига ўтиш даври сопол идишлар комплекси ва уларга характерли белгилар аниқланди. Шунга қараганда, бизга маълум бўлган Кучук-IV ва Афр – ПА сопол идишлар комплекслари орасида қизил сайқалланган идишлар мавжудлиги кузатилди. Бу идишлар комплекси С.К. Кабановнинг Афр – Iб⁵¹, Кўктепанинг 3 – қазишмасида⁵², Саратепа 2 ёдгорлигининг юқори қатламларига тўғри келади⁵³. Тадқиқотларни натижасига кўра, ахамонийларга хос бўлган қизил сайқалли сопол идишлар мажмуаси Жанубий Сибир, Марғиона, Арманистон, Грузия ва дунёнинг қатор нуфузли музейларида кузатилган. Хуллас, қизил сайқалли сопол идишлар комплекси барча ахамонийлар салтанати доирасида ва уларга қўшни бўлган кўчманчи чорвадорлар худудларида кенг кузатилади. Шунини таъкидлаш керакки, фиалаларни кўпларида оромий ёзув билан Артаксеркс номи келтирилади. Бу хил ёзув намунаси айнан Артаксеркс хукмдорлиги даврига тўғри келиши ва унинг маълум реформалари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шулардан келиб чиқиб, Қўрғонча ёдгорлигининг сопол идишларини мил. авв. V-IV асрларга оид, деб ҳисоблаймиз.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Қадимги Нахшаб ёдгорликларида бизнинг тадқиқотларимиз”**, деб номланади. Унинг **“Ерқўрғон қадимги мудофаа деворидаги изланишлар”** номли **биринчи бандида** 13 – қазишмада (6х6 м) илк бор тин тупроқ асосида қалинлиги 380 см пахса девор кузатилди⁵⁴. Ерқўрғоннинг ҳозирга қадар мил. авв. VII-VI асрларга оид деб ҳисобланган⁵⁵, қўлга киритилган сопол идишлар мажмуаси ва стратиграфияга таянган ҳолда мил. авв. X-IX асрларга оид, деб ҳисоблаш мумкин.

Тўртинчи бобнинг **иккинчи бандида** **“Ерқўрғоннинг ички мудофаа девори 21-қазишмасида олиб борилган тозалаш ишлари”** давомида қўлга киритилган натижалар баёни берилган. Ерқўрғоннинг 21-қазишмаси Қарши-Косон магистрал йўли ёқасида, 2001 йили бу кесмани тозалаш ишларини тин тупроқ қатламигача етказилди. Натижада, илгари номаълум бўлган қалинлиги 2,5 м пахса девор очилди. Девор фаолияти даврига оид сопол идишлар мажмуаси илгари мил. авв. VI-IV асрлар билан даврланган⁵⁶. Кучук II ва Сангир II давр босқичларига хос мажмуа ҳозирда мил. авв. X-IX асрларга оид, деб ҳисобланмоқда.

Ушбу бобнинг “Киндиктепа – Нахшабнинг антик давр қалъа-шаҳарчаси” учинчи банди ёдгорлигида олиб борилган ишларнинг умумий таҳлиliga бағишланган. Киндиктепа қалъачаси қадимги Қарши воҳасининг шимоли-шарқида Косон тумани Узунқудуқ қишлоғи худудида жойлашган⁵⁷.

⁵¹ Кабанов С. К. Освоение западных районов... // К исторической топографии... – Ташкент, 1981. – С. 23–59.

⁵² Исамиддинов М. Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. Ташкент, 2002.

⁵³ Иваницкий И. Д. Саратепа-2 — поселение керамиков середины I тыс. до н. э. // ИМКУ, вып. 26. 1992.

⁵⁴ Исамиддинов М. Х., Сулейманов Р. Х. Еркурган... – Ташкент, 1984.

⁵⁵ Сулейманов Р. Х. Древний Нахшаб..., Самарканд-Ташкент, 2000. – Рис. 89.

⁵⁶ Сулейманов Р. Х. Древний Нахшаб..., Самарканд-Ташкент.. 6.18–28.

⁵⁷ Кабанов С. К. Нахшаб на рубеже древности и средневековья.... – Ташкент, 1977. – С. 40

Объектнинг марказий қалъаси 100x100 м, ташқи девори 240x240 м майдонни ўраб олган. Илк қазиларимиз натижаларида Киндиктепани юнон-бактрия даврига оид, деб ҳисоблаган эдик⁵⁸.

Киндиктепани илк бор милодий I-V-VI асрларга, кейин Қарши воҳасининг жануби-шарқда жойлашган чегара қалъаларидан бири, деб ҳисобланган. 1984-1987 йиллар ёдгорликнинг икки ерида қазилмалар олиб борилди ва тўртта қурилиш босқичлари кузатилди⁵⁹.

1-қазилма марказий тепаликнинг шимолий қисмида жойлашган. Қазил ишлари натижасида 4 та қурилиш даври кузатилди. Қалъанинг паҳса девор асосида (750 см), ғиштдан (39-40x39-40x10-11 см) ички галерея секцияларга бўлинган. Милоднинг бошларида қалъа инқирозга учрайди, V-VI асрларгача Киндиктепанинг айрим ерларида турар-жойлари қурилиши кузатилади⁶⁰.

2-қазилма Киндиктепанинг ташқи мудофаа деворининг жануби-шарқий қисмида рельефда ажраб турган қатор тепаликларнинг бирида олиб борилди. Қазилма ўрнида Киндиктепа турар-жой хўжалиги 2та яшаш хоналари ва 2 та олди айвонли - ошхона мажмуадан иборат. Шу қурилиш андазаси кейинги қурилиш давлари учун ҳам асос қилиб олинган.

Киндик II босқичида, милоднинг бошларида шаҳар-қалъа инқирозга юз тутуди, ўрнида кичик якка ҳолатдаги турар-жойлар кузатилади. Киндик III даврида милодий II-III асрларда ҳам бир хонали уйнинг қолдиғи очиб ўрганилди. Киндик IV даврида анча камбағаллашганлиги кузатилади. Ҳозирда Киндиктепа қазилмалари натижасида қўлга киритилган турар-жой архитектураси Жанубий Суғд антик даври қурилиш усуллари, маҳаллий ўзига хослигини ва режалаштириш босқичларини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу бобнинг “Нахшабнинг Киндиктепа қалъасининг сопол идишлар мажмуаси”, номли тўртинчи бандида Киндиктепада кузатилган стратиграфияга бағишланади.

2-қазилманинг Киндик-1Б даври мажмуасида 15-16 - қатламлардан олинган сопол идишлар ҳисобланади. Улар асосан оч кўнғир рангли, бинафша тусли. Худди шу хилдаги идишлар 1-қазилмада - қалъа деворнинг биринчи полдан топилган. Ҳар икки қазилма қурилишида меъморчиликда квадрат (40x40x9-10 см) ғиштар ишлатилади.

Мил. авв. II-I асрлар қатламларидан жуда кўплаб сопол идишлар олинган мураккаб шаклли, оч кулранг ёки оч сариқ юзали, енгил тагликда цилиндр-конуссимон шакилли идишлари билан характерланади.

Киндик-2 босқичида шаҳарчанинг инқирозга учраганлигини, унинг арки ўрнида кўп хонали уйларнинг очилгани билан изоҳланади. 2-қазилмада милоднинг IV-V асрларга оид битта кичик хона очилди. Бу вақтда Ўрта Осиё худудида кичик ер эгаларининг қўрғонлари қурилиши анъанага айланади.

⁵⁸ Хасанов М. К стратиграфии.. // ТД конф. Я. Г. Гулямов и развитие... – Ташкент, 1988. – С. 96–97.

⁵⁹ Хасанов М. Античные сельские поселения Южного Согда. АДК. Самарканд. 1990.

⁶⁰ Исамидинов М. Х., Сулейманов Р. Х. Еркурган. – Рис. 43.

Киндиктепа аркидан 250 м шимоли-шарқда хочсимон тархдаги кичик ер эгасининг кўшики ўрни очилди.

Киндик-3, 4 - босқичларида Киндиктепа қалъа-қўрғони харобага учраб унинг ўрнида кичик алоҳида хўжаликлар шаклланади ва милоднинг IV-V асрларидан то V-VI асрларга қадар давом этади⁶¹.

Шундай қилиб, мил. авв. II асрларда Суғднинг янги дах ҳукмдорлари Киндиктепа тизимидаги воҳа қалъаларини курадилар. Ерқўрғон қайта тикланади, иккинчи девор ташқарисидан даҳма курилади. Айнан шу турдаги қалъа-қўрғонлар Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент воҳаларида кенг удум бўлади. Ўрта Осиёда катта маҳаллий урбанизацион жараён кузатилади. Киндиктепанинг тараққий этган даври мил. авв. II-I асрларга; инқироз даври милоднинг бошларига; Киндиктепа ўрнида қайта тикланиш даври милодий IV-V асрларга ва сўнгги даври мил. V-VI асрлар билан даврланади.

Диссертациянинг **бешинчи боби “Самарқанд Суғди ёдгорликлари”**, деб номланади. Унинг **“Кўктепа илк темир даврига оид шаҳар”**, деб номланган банди қадимги шаҳар таснифига бағишланган. Шаҳар Зарафшон дарёсининг ўрта оқими ўнг террасасида, унумдор серсув ерда макон топган. Шаҳарни ўраб турган икки қатор девори бешбурчак шаклдаги ички девор ва уни тўртта дарвозаси кузатилади, майдони 23 га. Марказдан 500 м шимолда узунлиги 1000 м яқин сақланиб қолган ташқи мудофаа девори қадимги шаҳарнинг маҳобатидан далолат беради. Шаҳарнинг ички қисми иккита алоҳида ўраб олинган “ибодатхона”, жануби – шарқда ҳоким саройи⁶².

Кўктепа шаҳарчасида 1994-2008 йиллар М. Ҳ. Исамиддинов ва К. Рапен раҳбарлигида Ўзбекистон-Франция кўшма археологик экспедицияси тадқиқот ишларини олиб борди. Бу муддат ичида шаҳарнинг тузилиши ва умумий тарихий топографияси, стратиграфик даврлари ёки ривожланиш босқичлари ҳақида қўшимча маълумотлар қўлга киритилди. Бу стратиграфик кетма-кетлик босқичлари мажмуалари қуйидагилардан иборат:

КТ - I босқичида шаҳарликлар паҳса девордан қурилган кўпхонали уйларда ва шуни акси бўлган ертўла, ярим ертўла ва чайлаларда истиқомат қилишган. Ҳозирги кунда бу турдаги уй-жой масканлари шаҳар марказининг хар икки қисмида ўрганилди. Ибодатхонанинг шимоли-ғарбида очилган уй-жой узунаси 5 м тор даҳлиз орқали тўртта хона билан боғланган⁶³.

Иккинчи тур – ярим ертўла, ертўла ва чайла каби Бурганли маданиятига хос турар-жойлардир. Ертўлалар орасида тўртбурчак, айлана ёки ярим айлана шаклидаги ўралар учрайди. Бундай ўраларда этнографик маълумотларда экин учун уруғлик донларини сақлашда фойдаланлган, деган маълумот бор. Бу ертўлаларнинг бирида металлни қайта ишлайдиган устахона қолдиқлари кузатилган. Ертўладан бронза пичоқ яшаш учун тошдан ясалган қолипни

⁶¹ Хасанов М. Распространение крестообразной архитектуры. // Археология и... – 2004. – С. 155–160.

⁶² Исамиддинов М. Х. Истоки городской культуры Самаркандского... – Ташкент, 2002. – С. 35–36

⁶³ Исамиддинов М. Х. Истоки городской... – С. 183-200; Люилье Ж., [и др.]. Раннежелезный век северного Согда...// ИМКУ, вып. 37. – 2012. – С. 57-66.

топилиши уларни Бурганли маданияти вакиллари билан қардош эканлигига яна бир далолатдир⁶⁴.

КТ-1А даврида мудофаа девори ёқалаб пахса ва ғишт деворлардан терилган бешхонали уй хоналари коридорсимон хоналар билан боғланган. Бу шаҳар аҳолисининг уйлариدير. Сопол идишлар мажмуаси қўлда ясалган, юқори сифатли, КТ-1Б босқичида эса сифат сезиларли дағаллашади. Сопол идишлар типологиясига ва радиокарбон таҳлилига кўра, КТ - 1 даври мил. авв. XIV-XII асрларга оид, деб қаралади⁶⁵.

КТ-II даври шаҳарнинг икки катта пойдеворлар асосига қурилган меъморий иншоотлари қурилиши билан характерланади. Биринчи меъморий мажмуа шаҳарчанинг жануби-шарқида, иккинчиси “ибодатхона”нинг шимолий қисмида, қалинлиги 5 м девор билан ўраб олинган кучли истехкомлар. Истехком икки қатор ғишт баландлигида сақланган, шу сабабли унинг тўлиқ тархи маълум эмас. Сақланиб қолган шимолий девор ярим доира миноралар билан кучайтирилган. Таҳлилларга кўра, бу меъморий иншоот Марғиёнанинг Тиллатепа ибодатхонасининг бир кичик шакли бўлган. Агар Тиллатепа платформа устига қурилган бўлса Кўктепа ибодатхонаси ер юзасидан кўтарилган.

Уй-жой, ҳовли масаласига оид янги далиллар қўлга киритилди. 2 - қазишмада ғишт деворли уч хонали (280x230 см), умумий тор йўлак билан боғланган хонадон очилди. Бу даврга ялпоқ, ярим доира шаклдаги, ўртаси тешик ўчоқбошиларнинг урф бўлиши характерлидир.

2-қазишманинг шимоли-шарқий қисмида “хукмдор саройини” ўраб турувчи мудофаа девори остидан ва уни фаолият даврида ҳосил бўлган қатламлардан сопол идишлар мажмуаси олинган. Бу натижалар ҳоким сарой Кўктепа - II даврида пахса (3 м) девори билан ўраб олинганлигидан далолат беради.

Бу давр сопол идишларига ташқи томонидан бинафша ранг, шарсимон идишлар характерлидир. Қўлда ясалган сопол идишларнинг атиги 1% ташқи томонидан безатилган. Зарафшонинг ўнг қирғоғи учун уни хронологик жиҳатдан мил. авв. X-VIII асрларга оидлигидан далолат беради.

КТ-III даври биринчидан шаҳарнинг ташқи мудофаа деворини қурилиши билан характерланади, эҳтимол Узунқир, Афросиёб деворлари билан бир даврдир. Девор кесмасида бир неча босқичда амалга оширилган таъмир ишлари кузга ташланади. Девор 46-45x25x10; 50x34x9 см ўлчамли ғишрдан қурилган, эҳтимол, унинг дастлабки босқичлари ясси қаварик шаклда бўлган.

⁶⁴ Исамиддинов М. Х. Южные части Самаркандского...// Материалы по античн... Самарканд, 2005.

⁶⁵ Lhuillier J., Les cultures à céramique modelée peinte en Asie Centrale méridionale. Dynamiques socio-culturelles à l'âge du Fer ancien (1500-1000 av. N.è.) // MMAFAC. XIII. Paris, 2013a, fig. 75: Lhuillier J., Bendezu-Sarmiento J., Lecomte O., Rapin C. Les cultures a ceramique modelee peinte del age du rer ancien: quelques pistes de reflexion dapres les exemples de Koktepe, Dzarkutan (Ouzbekistan) et Ulug depe (Turkmenistan) // l'archéologie française en Asie centrale: nouvelles recherches et enjeux... Cahiers d'Asie Centrale 21/22, 2013. Pp. 357-372

Кўктепа марказидаги ҳар икки меъморий иншоотда кузатилган ясси-кавариқ ғиштлардан қурилган квадрат (40x40 м) шаклидаги платформалар мавжуд. Ғиштларнинг шакли, деворларни қурилиш усули ва улардаги белгилар дастлабки иккита ансамблнинг деворларига ўхшайди. Жануби-шарқий мажмуада шу вақтгача икки қатор ясси-кавариқ ғиштлар сақланиб қолган платформада маҳобатли қалъа хисобланади. Унинг деворларида Талашкан, Сополлитепа, Жарқўтон арки, Туркменистоннинг Тоголок ва Гонур каби бронза даври ёдгорликларидан анъана бўлиб келаётган ярим-айлана шаклли миноралар кузатилади.

2-қазилмада бу даврга оид хом ғиштдан терилган икки устунли заллар очилди. Биринчи зал қазилманинг жануби-ғарбий қисмида, тўртбурчак шаклда.

Миллоддан аввалги VIII-VII асрларда Кўктепа бир вақтнинг ўзида сарой ва ибодатхонали шаҳар типига гуркираб ривожланган. Ҳоким – саройининг ички тузилиши кейинги босқичидаги фаолият даврида бузиб йўқ қилинган.

КТ - IV даврида шаҳарчанинг маркази 23 га майдон табиий платонинг чеккаси билан ичкараси йўлак-галерея типига қурилган қалъа девори билан ўраб олинган⁶⁶.

Александрни босқинчилик ҳаракатларига маҳаллий сак қўшинларининг қарши юриши ва ундан кейинги даврларда бўлган бўронли жанглар шаҳар тизимини ва моддий маданиятини тубдан издан чиқарган. Бу вақтда қалъа атрофини ўраб турган мудофаа деворини қайта таъмирлаш, янги ҳарбий истеҳкомлар қуриш, уларни таъмирлаш ишлари кузатилади. Кўктепа шаҳарчаси ҳудудида миллоддан аввалги IV-III асрларда қурилган шаҳар қисқа муддат фаолият кўрсатади.

Истеҳком ўртасида катта зал ва унинг атрофида бешта хонадан иборат уй очилган. Унда учта пол кузатилади. Биринчи пол сатхидан сўнги “аҳамонийлар” даврига хос сопол идишлар; иккинчи ва учинчи поллардан очиқ шаклдаги юпқа деворли идишларни нуфузини ортиши кузатилади. Сўнги аҳамонийлар даврига хос тез айланадиган кулол чархида шаклланган ушбу юпқа деворли сопол идишларнинг кенг тарқалиши характерлидир.

Худди шу хилдаги қайта қурилишлар ташқи мудофаа деворида ҳам кузатилади. Бу деворларни кесиб тушган чуқурлар ва турар-жой инқирозга учрагандан кейин ҳосил бўлган. Кейинчалик Афросиёбда, Подаётқтепада ва Тахти-Сангинда Кўктепадаги сингари илк антик даврлардаги ғиштларнинг шакли ўзгаради⁶⁷.

Истеҳкомни биринчи полидан манжетсимон гардишга эга хум ва хумчалар, қўлда ясалган кўзалар ва қозонлар сопол топилган бўлса, иккинчи полдан Саратепо-2, Афр-ІБ (мил. авв. V аср), Қўрғончанинг дастлабки қатламлари билан бир хилдаги топилмалар олинган⁶⁸.

⁶⁶ Исамиддинов. М. Х. И др. Раскопки на городище Коктепа // АУ. Вып. 5. – Ташкент, 2006. – С. 104–115.

⁶⁷ Исамиддинов М.Х. Ремесло древней Средней... // Самарканд-Ташкент, 2010. Рис. 4-5.

⁶⁸ Хасанов М., Исамиддинов М. Х. К истории гончарного круга... // ОНУ, вып. 1. 1991. – С. 42–45

КТ - V даври шаҳар-ҳаробасининг асосан ҳоким-саройи қисмида кузатилади. 2-қазишмада енгил конструкцияли чайла турар-жойлар, турли; тўғри бурчакли (150x60, 90x40 см, 90-40 см); юмалоқ (диаметри 90-120 см)⁶⁹ шакилли хўжалик хандаклари топилади. Сопол идишлар мажмуаси Афр-ПА, мил. авв. III-II асрлар материалларига яқин. Бироқ, юнон маданиятига хос "балиқ таъмил", мегар коса, ёки кратерлар учрамайди. Кўриниб турибдики, Зарафшоннинг ўнг қирғоғида сиёсий вазият туфайли юнонлар ўз маданиятини ёйишга имкон топа олмаганлар.

КТ-VI даври чорвадорларининг икки турдаги дафн маросимлари кузатилди. Биринчи гуруҳга 2-қазишмада лаҳатли, майитнинг боши шимоли-ғарбга йўналтирилган, милоднинг бошларига хос қабр очиб ўрганилган.

Иккинчи гуруҳ мозор кўрғони шаҳар арки ўрнида қазиб очилган малика қабридир. Қабр дромосли типиди, унинг лаҳатидан топилган бой археологик материаллар милоднинг III-IV асрлари билан даврланади. Кўктепа харобаси ўрнида X-XII асрларда қабристон бўлган.

Ушбу бобнинг иккинчи банди **“Бойсаритепа антик давр қалъаси”**, деб номланади. Бойсаритепа Самарқанд вилояти Нуробод тумани Сазоғон қишлоғида жойлашган (175x110 см). Унда олиб борилган тадқиқотлар натижасида учта қурилиш даврлари кузатилди. Қалъа суғдийларнинг антик ёзма манбаларда келтирилган Сисимитра қоясидаги мудофаа қалъасига ўхшаш қалъа-кўрғонлардан⁷⁰ бирига ўхшаб, баландликда жойлашган. Илк шаклланиш даври мудофаа девор остидан ва бурж полидан олинган сопол идишлар мажмуаси асосида Афр-ПА ва КТ - V даврларига - мил. авв. III-II асрларга тўғри келади. Орадан кўп ўтмай қалъа вайронага айланади.

Милоднинг I-II асрларида Бойсаритепа қайтадан жонланади, девор ёқалаб ички томонидан енгил конструкцияли турар-жойлар қурилади. Бу қатламдан қушонлар даврига хос, таги бўш, ён девори қизил ангоб билан қопланган сопол идишлар мажмуаси қайд этилган.

Бойсаритепа харобасида ўрнида, мил. III-IV асрларда⁷¹ хионийларнинг, бундан анча кейин XIX - асрда мусулмон қабрлари қазилган.

Диссертациянинг олтинчи боби **“Сўғднинг илк темир даври моддий маданиятининг ўзига хослик томонлари”** таснифига бағишланган. Ушбу бобнинг биринчи **“Илк темир даври дафн маросими”** банди Жарқўтон қабристонини материалларига асосланган. Инсоният тарихи ва маданиятини ўрганишда дафн маросимлари катта аҳамиятга эга⁷². Ўрта Осиё халқлари тарихида илк темир даврида дафн маросимларини тубдан ўзгаришини ўрганиш кўпдан буён археологлар олдидаги муаммолардан бири

⁶⁹ Исамиддинов М. Х. Стратиграфия гор...// Традиции Востока... – Ташкент, 2000. – Рис. 108–115

⁷⁰ Исамиддинов М. Х. И др. Археологические... // АИ, вып. 7. 2012. – С. 80–86; Рапен К. И др. «Аристократическая»... // Археология и история... Том II. – Самарқанд, 2014. С. 70–116.

⁷¹ Бердимуратов А. Э. И др. Результаты исследований... // АИ, вып. 5. – Ташкент, 2006.

⁷² Заднепровский Ю. А. Древнеземледельческая...; Кошеленко Г. А. Правобережье...// ДГКСА, – М., 1985; Сагдуллаев А. С. К изучению культовых...// Древняя и средневековая...– С. 20–37; Мейтарчян М. Б. Погребальные обряды...; Сулейманов Р. Х. Древний Нахшаб....

ҳисобланади. Сангир - I-II босқичлари маданий қатламларидан инсон суяклари топилган. Кўпчилик мутахассис олимлар тозаланган суяклар куйдирилган, деган хулосага келишган эди. Жарқўтоннинг илк темир даври қатламларида 525 м² майдонда дафн маросими билан боғлиқ 70 дан ортиқ чуқурлар очиб ўрганилди, шулардан 15 тасида этдан тозаланган одам суяклари қамиш ёки саватдан тўқилган кафанларга ўраб кўмилган.

Қабристонда турли хил қурбонлик ёки диний маросимлар ҳам ўтказилган. Қабрларнинг ораларида катта - кичик ҳажмдаги тумбасимон ва чуқурчали алтарлар топилди.

Жарқўтон қабристонидида икки хил дафн турлари кузатилди. 3 та ёш болаларнинг қабрлари; 15 та махсус чуқурларда катта одамларнинг этдан тозаланган йирик суяклари кўмилган ва аксарият илк темир даври ёдгорликларида суяклар маданий қатламлар орасида учрайди.

Илк темир даври алтарлари. Қабрлар орасида ер сатҳи майда тош ёки сопол идишларнинг синиқлари билан қопланган ибодат-майдонлари кузатилди ёки чуқурча ёки супача шаклида алтар қайд этилди. Алтар-супачалар устига бир қатор тош терилган унинг устидан тезак билан шувалган, полда куйган чуқурчалар ҳам мавжуд. Бу чуқурчаларни Бўстон - VI қабристонидида қабр бошидаги алтарлар, деб қаралган. Кузатувларга қараганда, одам суяклари хали тўлиқ этдан ажрамасдан қамиш, сават ёки матодан кафанларга ўраб дафн этилган⁷³.

Тош қатламлари орқали муқадас ерни ёт унсурлардан сақлаш урф-одати Пшактепа (мил. авв. VII-VI аа.), Жарқўтон, Сангиртепа, Кўктепа, Ерқўрғон ва Нуртепа ёдгорликларида ҳам кузатилади⁷⁴.

Илк темир даври алтарлари уч турда бўлганлиги кузатилади; биринчиси – турдаги хочсимон алтарлар Тиллатепа (Бактрияда), Яшуллидепеда (Марғиёна) жамоа ибодатхоналарида очилган.

Иккинчи турга оид уй алтарлари бронза давридан ривожланиб келади. Илк темир даврида Жарқўтон ёдгорлигининг ертўласида тақа шаклидаги алтарлар тўламида тозза кул қатлами сақланиб қолган.

Учинчи турдаги алтарлар Жарқўтон қабристонидида тош қопламли кичик супача шаклида учрайди. Улар уйлардаги алтарлардан кам фарқ қилади. Н.А. Аванесованинг тадқиқотига кўра⁷⁵, охириги икки турдаги алтарлар анъанавий Андронова маданияти учун хос ҳисобланади, улар Сополли маданиятининг кўзали босқичидан кузатилади. Бўстон-VI қабристонидида чуқурча алтарларнинг шаклан бир неча тури топилган⁷⁶.

Диссертациянинг олтинчи боби иккинчи банди **“Меъморчилик ва қурилиш тараққиёти”** деб номланади. Истеҳкомлар жамиятнинг урбанизация жараёнини ўрганишдаги ҳал қилувчи омиллардан бири

⁷³ Рапопорт Ю. А. Из истории религии...; Мейтарчян М. Б. Погребальные обряды... – 240 с.

⁷⁴ Bendezu-Sarmiento J., Lhuillier J. Sine Sepulchro cultural complex of Transoxiana.... Бендезу-Сармиенто и др. Погребальная практика... // Вестник МИЦАИ. Вып. 22. – Самарканд, 2015. – С. 26–45.

⁷⁵ Аванесова Н. А. Появление степных традиций... С. 19, рис. 12.

⁷⁶ Аванесова Н. А. Погребальный обряд... // Культурный трансфер... – С.27–41

хисобланади. Ўрта Осиёдаги шаҳар ва қалъа деворлари муаммоси илк темир даврдан ўрта асрларгача Хоразм, Суғд ва Фарғона вилоятларида кенг миқёсда ўрганилган⁷⁷. Бироқ, сўнгги йилларда биз қўлга киритган археологик маълумотлар бу масалага бир қанча аниқликлар киритди.

Платформалар. Биринчидан Кўктепа-II ва Сангир-I даврларида Суғд шаҳарлари шаклланиб, улар ўз даврининг ижтимоий ва иқтисодий марказларига айланади.

Мил. авв. X-IX асрларда Суғд шаҳарсозлик тизимида икки турда қурилган шаҳарлар аниқланган. Кўктепада ибодатхона ва ҳоким-саройларидан иборат икки қисмли шаҳар қадимги бронза даври Жарқўтонда, шарқона ананада қурилган. Кўктепа ибодатхонаси меъморчилигидаги ярим доира шаклли миноралар ёки баланд платформа устига қурилган иншоотлар қадимги Тоголок ва Гонур-депе ёдгорликларидан андаза олган. Меъморчиликдаги бу яқинлик Андронова даври Сазагон мазорқўрғонидаги дафн маросими ва краннологик белгилар билан Гонур-Депе материалларига яқинлиги билан исботланади.

Миллоддан аввалги VII-VI асрлардан Узункир, Афросиёб ва Улуғдепе мудофаа деворида, Қизилтепа, Тиллатепа, Яшуллидепе⁷⁸ ибодатхоналарида хочсимон алтарлар қадимги мидияликлар усулида қурилганлиги кузатишга бир ҳолда, Сангиртепа ва Хумбузтепадаги чуқурчали алтарлар Бўстон VI қабристонидан чорвадорларга хослиги айтилади.

Бироқ, меъморчиликда ишлатилган лой ва ғиштни қатлама тарзда териш усули (комбинированная кладка) Кўктепадан ананавий бўлиб, Бурганли ва Қовунчи маданиятларида ривожланади ва Сирдарё бўйи кўчманчилар дунёсида ўрта асрларга қадар сақланиб қолади.

Илк темир давр Суғд меъморчилигида шакилланган Сангиртепа, Кучуктепа каби маркази иморатли ва атрофи девор билан ўралган тарихий-топографик режадаги шаҳар қалъалар кейинги даврларда ривож топади. Булар, айниқса мил. авв. II асрларда шаклланган Қашқадарё (Киндиктепа), Самарқанд (Кўрғонтепа)⁷⁹ ва Тошкент воҳаси (Култепа)⁸⁰ ҳудудларида янада тараққий этиб ўрта асрларга қадар кузатилади.

Турар-жойлар. Охирги йилларда Ўрта Осиё бронза даври⁸¹ ва Зарафшон воҳасининг турар-жойларига алоҳида эътибор берилди⁸². Илк темир даври Суғдининг Кўктепа, Жарқўтон ёдгорликларида тўпланган археологик материаллар асосида икки турдаги турар-жойлар кузатилади.

⁷⁷ Толстов С. П. Древний Хорезм; Хожаниязов Г. История развития.. – С. 43–56; Его же; Фортификация древнего Хорезма... – Нукус, 1998; Туребеков М. Оборонительные сооружения древних...; Матбабаев Б. Х., Абдуллаев Б. М. Оборонительные сооружения... – Ташкент, 2011.

⁷⁸ Сарияниди В. И. Раскопки Тилла-тепа в северном Афганистане. Вып. 1. – М., 1972. С. 8-15

⁷⁹ Пугаченкова Г. А. Древности Мианкаля. Из работ Узбекской археологической экспедиции. 1989.

⁸⁰ Буряков Ю. Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Ташкент, 1982.

⁸¹ Сагдуллаев А. С. Усадьбы... – Ташкент, 1987. Древняя архитектура Бактрии и Маргианы. 2003; Сулейманов Р. Х. Древний Нахшаб ... – Самарқанд-Ташкент, 2000. – С. 88–150.

⁸² Исаков А. Саразм (К вопросу...) – Душанбе, 1991. – С. 66–72.

Биринчи тур турар-жойлари сифатида Кўктепанинг 2 ва 4-казишмаларида пахса ва гишлардан қурилган кўп хонали қадимги деҳқончилик маданиятига хос турар-жойлар ҳисобланади. Бу хил турар-жойлар тизими Зарафшон воҳасида қадимги Саразм ёдгорлигида ўртаси ананавий ховли бўлиб⁸³, бизнинг амалиётимизда антик даврга оид Подаётқотепа ва Киндиктепа ёдгорликлари мисолида ўз тасдиғини топди.

Иккинчи турдаги турар-жойлар гуруҳига енгил конструкцияли чайла, ертўла, ярим ертўла каби Бурганли, Қовунчи маданиятлари учун ананавий ҳисобланади. Бу турдаги турар-жойлар Жарқўтон, Кўктепа, Қўрғонча ва Подаётқотепа ёдгорликларида кенг ўрганилди. Жарқўтоннинг илк темир даври қурилиш горизонтида ярим ертўлалари иккита хўжалик тўлиқ очилди. Хўжаликлар ертўла, алтар билан ибодат майдончаси полига тош терилган, ўчоқ ва ошхона идишлари билан ошхонаси, хўжалик ишларини бажариш учун майдонлардан иборат.

Яз-І даври маданий қатламларида Марғиёна ҳудудида шаклланган шаҳар монанд иморатлар маданияти кузатилади⁸⁴. Бу хил уй-жой қурилишидаги уйғунлик Фарғона водийсининг бронза ва илк темир даври ёдгорликларида ҳам кузатилади⁸⁵. Буларда бир томондан маҳобатли меъморчиликка асосланган қадимги Шарқ анъаналари иккинчи томондан ертўла ва ярим ертўлаларга асосланган шимолий кўчманчи чорвадорлар анъанасини уйғунлашганини кузатамиз.

Диссертациянинг еттинчи бобининг “Илк темир даври Кеш кулолчилиги”, деб номланган биринчи бандида Сангиртепанинг 3-казишмасидаги стратиграфик тадқиқот натижалари баён қилинган.

Кеш воҳасида Кучук-І туридаги сопол идишлар мажмуаси Тўртқўлтепа⁸⁶ ва Қўшазизлар қишлоқ манзилгоҳларидаги материалларидан маълум. Сопол идишлар шарсимон шаклда, лойига кварц, қум аралаштирилган, девори ҳар икки томонидан қизил ангоб билан бўялган. Чархда ясалган идишлар усти сайқалланган, улар атига 5-7% ташкил қилади. Шунга ўхшаш сопол идишлар КТ-І (мил. авв. X-VIII асрлар)⁸⁷ ва кейинчалик (мил. авв. XIV-XII асрлар)⁸⁸, Кучук – I⁸⁹, Яз - I (мил. авв. X-VIII асрлар)⁹⁰. Ф. Т. Ҳиберт тадқиқотлари асосида мил. авв. XIV-XII асрлар⁹¹ ва кейинчалик, Кучуктепа, Далварзинтепа ва Бандихон тизимида кирувчи Майдатапа ёдгорлигида радиокарбон усули билан ҳам даврлаштириш хроникаси ўз тасдиғини топди.

⁸³ Исаков А. Саразм (К вопросу...) – Душанбе, 1991. – С. 66–72.

⁸⁴ Массон В. М. Культурогенез древней Центральной Азии... , 2006. – С. 105–106.

⁸⁵ Матбабаев Б. Х. Исследование жилищ в памятниках... // ИМКУ, вып. 33. 2002. – С. 47–48.

⁸⁶ Раимкулов А., Исамиддинов М. Туртқўлтепа – новый памятник... // АУ. – 1990. – С. 30–37.

⁸⁷ Исамиддинов М. Х. Истоки городской культуры...; Люилье и др. Раннежелезный век:...

⁸⁸ Lhuillier J., Les cultures à céramique modelée peinte en Asie Centrale méridionale. Dynamiques socio-culturelles à l'âge du Fer ancien (1500-1000 av. N.è.) // MMAFAC XIII. Paris, 2013a.

⁸⁹ Аскарров А. А., Альбаум Л. И. Поселение Кучуктепа; Шайдуллаев Ш. Б. Северная Бактрия... – С. 101.

⁹⁰ Массон В. М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, № 73. – М.-Л., 1959.

⁹¹ Hiebert, F. T. Chronology of Margiana and Radiocarbon Dates // Information Bulletin of the International Association for the Study of the Cultures of Central Asia 19, 1993. Pp. 136–14.

Сангир - I сопол мажмуаси Сангиртепанинг 3-қазимасини қуйи босқичларида 5 та пол сатҳида кузатилди. Шурфнинг қуйи қатламларидан топилган сопол идишларнинг ярми қўлда ясалган. Цилиндр деворининг гардиши кесмасида қалинлашган учбурчак ёки тўртбурчак шаклда, юпқа деворли идишлар стакан шаклида учрайди. Шу даврга оид вазасимон идишлар Талашкантепа-I ва Кизил-III даврларининг мил. авв. VIII-V асрлар қатламларида учрайди. Ошхона идишлари қозонлар ва чойнақлар шарсимон шаклда. Косалар, ярим шарсимон шаклда, девори ташқи томондан жигарранг ангоб билан ёки 1% идишлар майда чизиқли нақш билан безатилган. Сангиртепанинг шу қатламларидан олинган радиокарбон таҳлиliga кўра, улар мил. авв. 1347-1369 йилларга тўғри келади, лекин биз сопол идишлар типологияси асосида мажмуани мил. авв. X-IX асрларга оид.

Еркўрғон 13-қазимасининг қуйи қатламларидан олинган Ек-I босқичи мил. авв. VIII-VII асрларга оид. Сопол идишларнинг бир қисми қўлдан ясалган Яз-II ва Кучук – II мажмуаларига хос. Эътиборлиси шундаки, Окс цивилизациясига хос маданият чегараси илк марта Орол олди ҳудудининг Уйғарак ва Тагискен⁹² ёдгорликларида ҳам қайд этилган. Бизнинг фикримизча, шу даврдан бошлаб саклар Зарафшон воҳасида Суғд маданиятининг асосини ташкил этади. Кучук-II ва Яз-II сопол идишлар мажмуаларини радиокарбон таҳлил натижалари асосида мил. авв. X-IX асрлар билан, деб саналаш қабул қилинган. Тадқиқотлар асосида биз илк марта Окс цивилизацияси таъсирини саклар дунёсигача етиб борганлиги Кўктепа сопол идишлари мисолида кузатамиз.

Сангир-II даври сопол буюмлар 3-қазиманинг шимоли - ғарбий қисмида очилган хонани тўламидан олинган. Қўлда ясалган сопол идишлар нисбатан камаяди, уларнинг ташқи томонидан қизил ангобли бўёк кузатилади; кулол чарҳида ясалган цилиндрсимон шакилли идишлар кенг тарқайди. Шунга ўхшаш хумлар ЕК-2⁹³ мажмуасида, Даратепада⁹⁴, Бандихон ёдгорликлар тизимида кирувчи Бектепа ёдгорлигида Яз-II типидagi сопол идишлар мажмуаси мил. авв. 929-822й⁹⁵. Яз-II сопол идишлар мажмуаси радиокарбон таҳлилларга асосланиб, Сангир-II сопол мажмуасини мил. авв. IX-VIII асрларга оид, деб қабул қиламиз.

Сангир-III даври сопол буюмлар мажмуаси ибодатхонанинг марказий зали полидан топилган. Хумлар цилиндр-конус шаклида, гардиши қалин дағал. Ошхона анжомлари – қозон, чойнақлар ҳам кулол чарҳида ясалган. Бундай идишлар Ек-3 мажмуасида (мил. авв. VI-V-асрнинг биринчи ярми)⁹⁶, Кучук - II мажмуасига⁹⁷ хос халқа гардишли идишлар билан бирга учрайди. А. И. Тереножкин мил. авв. VI - IV аа., кейинроқ Афросиёбнинг бошқа

⁹² Вишнева О. А. Культура сакских племен низовьев... // ТХАЭ. Вып. 8. С. 78. Рис.47.

⁹³ Сулейманов Р. Х. Древний Нахшаб..., – Самарканд-Ташкент, 2000. Рис. 89.7,11.

⁹⁴ Сагдуллаев А. С. Поселения раннежелезного века в бассейне... // СА, №3. 1984. – Рис. 5. 13, 20,

⁹⁵ Сверчков Л. М., Бороффа Н. Комплекс периода.. // ИМКУ, вып. 36. – Ташкент, 2008. – Рис. 1-4.

⁹⁶ Сулейманов Р. Х. Древний Нахшаб... – Самарканд-Ташкент, 2000. – Рис. 90. 27; рис. 91.6,8-9.-

⁹⁷ Аскарлов А. А., Альбаум Л. И. Поселение Кучуктепа; Шайдуллаев Ш. Б. Северная Бактрия... – С. 101.

қазишма материаллари асосида мил. авв. VI асрларгача қадимийлаштиради⁹⁸. Худди шунга ўхшаш сопол идишлар мажмуасини Н.Б. Немцева мил. авв. VI-V асрлар,⁹⁹ М.И.Филанович¹⁰⁰ ва М. Х. Исамиддинов Афрасиёбнинг 3-қазишмаси материаллари билан мил. авв. VII-VI асрларга оид, деб топади¹⁰¹. Афрасиёбнинг 25/VI-қазишмасида кулолчилик мажмуаси; Афр - IA (мил. авв. VI-V аа.) ва – IB (мил. авв. IV аср) босқичлари кузатирилган¹⁰². Стратиграфик қатламлардан олинган сопол идишлар ва ғиштларнинг ўзгаришига ва радиокарбон таҳлиллари асосида КТ – II ва Афр-0б¹⁰³ сопол идишлар мажмуасига яқин. Сангир-III даврини ушбу келтирилган далиллар асосида мил. авв. VII-VI асрларга оид, деб ҳисоблаймиз.

Сангир-IV даври сопол идишлар мажмуаси ибодатхона Марказий залининг ва Сангир-IV даври маросим майдончасининг жануби-ғарбидаги чуқур полидан олинди. Хумлар цилиндр-конус шаклида, манжетсимон гардишли, қўлда ясалган идишлар ташқи томондан жигарранг ангоб билан қопланган. Ўхшаш сопол идишлар мажмуаси ЕК-4, мил. авв. V- аср бошлари – мил. авв. IV аср ўрталарига таалўқли¹⁰⁴. Афрасиёбнинг 25/VI - қазишмасида Афр-I ва Афр-II мажмуалари орасидаги мил. авв. IV асрда¹⁰⁵, Саратепа-2¹⁰⁶ мил. авв. VI-V асрларга оид, деб қаралади. Келтириб ўтилган Сўғд ёдгорликлари сопол идишлар мажмуаси асосида Сангир-IV даврини мил. авв. VI-V асрларга оид, деб топдик.

Сангир-V даври санасини ибодат майдончасидан топилган Антиох I Сотернинг тангаси ва 43x34x14 см ўлчамдаги ғиштлардан терилган девор Афрасиёбнинг 25/6 – қазишма материалларини С. К. Кабанов мил. авв. III аср билан даврлайди¹⁰⁷. Сангир – V даврида икки пол кузатилади ва бу полларнинг хронологик даври Подаётқтепа, Кўктепа каби илк эллилар даврига тўғри келади. Подаётқтепанинг иккинчи девори Қовунчи маданиятига хос қатлама (комбинированная кладка) девор усулида тикланган.

Сангир-VI даври маълум вақт танафусдан сўнг Сангиртепа ўрнида доира шаклидаги қалъа курилади, унинг кулолчилик буюмлари Қуйи Сирдарё бўйларидаги Жетиасар ёдгорликларига хос бўлиб, милоднинг IV-V асрлар билан саналанади.

Диссертациянинг олтинчи боби тўртинчи **“Ноёб топилмалар”** банди қазишмалар жараёнида нисбатан кам учрайдиган топилмаларнинг илмий ҳулосаси берилади.

⁹⁸ Тереножкин А.И. Он же. Вопросы периодизации... // СА, № 3. – М., 1972. – С. 93.

⁹⁹ Немцева Н. Б. Стратиграфия южной окраины городища Афрасиаб // Афрасиаб, вып. 1. – Ташкент, 1969.

¹⁰⁰ Филанович М. И. К характеристике древнейшего поселения на Афрасиабе // Афрасиаб, вып. 1. – 1969.

¹⁰¹ Исамиддинов М. Х. Истоки городской культуры... – Ташкент, 2002. – С. 123.

¹⁰² Кабанов С. К. Освоение западных районов города... – Ташкент, 1981. – Рис. 17–20

¹⁰³ Исамиддинов М. Х. Истоки городской культуры... – Ташкент, 2002. – С. 123.

¹⁰⁴ Сулейманов Р. Х. Древний Нахшаб... – Самарканд-Ташкент, 2000.

¹⁰⁵ Кабанов С. К. Освоение западных районов города... – Ташкент, 1981. – Рис. 17–20.

¹⁰⁶ Иваницкий И. Д. Саратепа-2 - поселение керамиков... // ИМКУ, вып. 26. – Ташкент, 1992.

¹⁰⁷ Кабанов С. К. Освоение западных районов города... – Ташкент, 1981. – Рис. 21–23.

Мис пайконлар. Сўғдда бронза пайконлари типологияси ва ривожланиш босқичларини ўрганиш мақсадида услубан стратиграфик алоҳида турган ёдгорликларни танлаб олинди. Илк темир даври пайконларини ўрганиш учун Сангиртепа ва Тошкент воҳасининг Бурганли ва антик давр пайконлар мажмуасини ўрганиш учун Узундара ёдгорликлари танланди.

Сангиртепада Сўғд ёдгорликлари учун ягона бўлган илк темир давридан Юнон-Бактрия давригача узлуксиз ривожланиб келган стратиграфик қатламлар кузатилади. Ёдгорликнинг куйи қатламлари радиокарбон таҳлиларга кўра 2982 ± 30 й. СВР (Gif 12277/SacA10176).

Сўғддаги турли ёдгорликлардан олинган бронза пайконлари кўшни худудлар билан синхрон тарзда ривожланганлиги кузатилди. Кўктепдан топилган икки парракли бронза пайкони бронза даврининг Кузали босқичига хос Зарафшон воҳасидаги Сазагон ёдгорлигида топилган пайкон билан жуда ўхшашдир. Сангиртепанинг маданий қатламларидан топилган икки тўғли втулкали ва уч қиррали сопли бронза пайконлар мил. авв. VIII-VII асрлар қатламларида бирга учрайди. Пайконларни мил. авв. V-IV асрлар аралаш учраши эҳтимол кўчманчиларни миграцияси билан ёки ёзма манбаларда келтирилганидек кўчманчилар ёлланма аскар сифатида жангнинг ҳар икки томонида иштирок этгани билан боғлиқдир. Бошқа тадқиқотчилар пайконларни ғилофларда топилган нусхаларини турли хилдаги пайконларнинг мавжудлигини қолип яшашнинг мураккаблиги билан боғлайдилар.

Келилар. Афросиёбнинг 25/6 - қазилмасидан қора рангли кумтошдан ясалган келининг пастки қисми топилган. К. А. Абдуллаев Марказий Осиё келиларини умумлаштириб таҳлил қилгани бизни ишимизни енгиллаштирди¹⁰⁸. Келиларнинг тарқалиш ҳудуди кўпроқ Ўрта Осиёнинг жанубий дехқончилик ҳудудларига тўғри келади. Афросиёбдан топилган келича ҳозиргача бизга маълум келичаларнинг энг шимолий ҳудудда топилгани хисобланади. Миёнқалдан топилган остадоннинг юза қисмида бошқа маъбудлар билан бирга келича ўшлаб турган Хардод маъбуди тасвирланган. Келичани Афросиёбдан топилиши ҳар қалай бизга маълум бўлган ёки тарихий манбаларда тилга олинган бошқа - Митра, Анахита, Аҳура-Мазда ва Нана илоҳлари қаторида Хардодни¹⁰⁹ ҳам тассавур қилишимиз мумкин.

Диссертациянинг еттинчи боби **“Сўғд қадимги ва антик давр маданий анъаналари чорраҳасида”**, деб номланади ва унда диссертациянинг умумий хулосалари жамланган.

Еттинчи бобнинг **“Қадимги Сўғд маданиятининг умумий муаммолари”** номли биринчи бандида Марказий Осиёнинг йирик сув хавзаларида бронза ва илк темир даврларида воҳа шаҳар-давлатларининг

¹⁰⁸ Абдуллаев К. Культ хаомы в древней Центральной Азии. Самарканд, 2009.

¹⁰⁹ Грене Ф. Интерпретация декора... // Городская культура Бактрии... – Самарканд, 1987. – Рис. 3.

пайдо бўлиши ва шаклланиш даври сифатида таърифланади. Зарафшон воҳаси ўзининг географик хусусиятидан келиб чиққан холда илк урбанизацион жараёнларидан ўтроқ деҳқон ва чорвадор қабилаларнинг уйғунлашган макони сифатида характерланади. Бу масала илк марта кўчманчилар маданиятининг кенг доирали мутахассиси А.И. Тереножкин томонидан бронза даврларидан антик даврларга қадар Зарафшон воҳасининг икки маданиятлар қоришуви жойи эканлиги айтиб ўтилган эди¹¹⁰. Бу масала ўтган асрнинг 80-йилларида А.И. Исоқов томонидан Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида очиб ўрганилган Саразм ёдгорлиги мисолида янги артефаклар билан бойитилди¹¹¹.

Зарафшон воҳасига Андропова маданиятининг кириб келиш билан маҳаллий аҳоли мисга қалай аралаштириб бронза олиш ва ундан турли меҳнат ва ҳарбий қуроллар ясашни такомиллаштиради. Кўктепада очилган яримдоира шаклли миноралар, бронза пайкон ва гиря, Сазағонда очиб ўрганилган Кўзали даврига хос қабри каби нафақат моддий топилмаларда, балки, дафн маросимларида ҳам, бу ваҳани қадимги Окс цивилизацияси деҳқончилик ҳудудлари билан яқинлигини билдиради. Сазағон қабрларининг шакли, улардан олинган суяклар таркибини таҳлили Гонур-депе қабристонини майитларининг суякларига ўхшашлигини кўрсатди¹¹². Ҳозиргача Зарафшон воҳасида Андропова маданиятига хос қабрлардан топилган Сополли маданиятининг Жарқўтон ва Кўзали босқичларига хос сопол идишларининг кўплаб топилиши маҳаллий кулолчилик устахоналарини шакланганлигидан далолат беради¹¹³. Бронза даври маданиятларини хронологик илк темир даврига яқинлиги Тожикистоннинг жанубида очиб ўрганилаётган Тандирйўл ёдгорлигида ҳам кузатилади¹¹⁴. Маҳаллий тоғлардан бош олган сойларнинг этакларида суғорма деҳқончилик ривожланган, бу ерларда ҳам пахта етиштирилиб анжир, тут ва узумнинг бир нечта турлари маҳаллий аҳоли дастурхонини нозу-неъмат билан тўлдирган.

Жарқўтоннинг 4-қазимасида шу кунгача жиддий масала бўлиб келаётган илк темир даври қабристонини ва у билан боғлиқ бўлган диний эътиқод масалаларига талай ойдинликлар киритилди. Жарқўтон аркининг юқори қурилиш қатламларини 825м² майдонда зич жойлашган 70 та чуқурлар очилди, уларнинг 15 тасида майит суякларини учраши бу ерни илк темир даври аҳолисининг қабристонини бўлган дейишга асос бўлди. Қазиммада айнан илк темир даврига хос икки хил дафн тури кузатилди. Улардан биринчи турига уларда майитни ётқизилган холда дафн этилган учта қабр очиб ўрганилди. Иккинчи дафн тури бу этидан тозаланган майитнинг

¹¹⁰ Тереножкин А. И. Согд и Чач // КСИИМК. – М.-Л., 1950.

¹¹¹ Исаков А. И. Саразм...– Душанбе, 1991.

¹¹² Аванесова Н. А. Зеравшанская группа памятников в контексте Бактрийско.... АУ. 2019. №2 (19). – С. 48

¹¹³ Lhuillier J., Boroffka N. A Millennium of History The Iron Age in southern Central Asia (2nd and 1st Millennia BC). Proceedings of the conference held in Berlin (June 23–25, 2014).

¹¹⁴ Виноградова Н. М. Исследования на поселении эпохи бронзы Кангуртут // АРТ. Вып. XXVI. 2005. – С. 364–386; Виноградова Н. М. Работы Кангуртутского отряда Южно...// АРТ, вып. XXIX. 2004. – С. 193–223.

катта-катта суякларини махсус чуқурларга дафн қилиш маросимидир. Бу дафн тури қадимги Суғд ёдгорликларининг маданий қатламларда суякларни учраши билан кузатилди ва шу сабаб хозиргача кўп тортишувларга сабаб бўлиб келди. Эндан тозаланган суякларни махсус лахатли ёки ёрма қабрларда дафн этиш ананаси бўлган. Илк темир даврида шу анана ўзгарган ҳолда давом этганини кузатамиз. Фанда маълум бўлган зардуштийлик ақидаларига хос тозаланган суякларни кафанга ўраб дафн этиш удуми билан бирга, маҳаллий ананаларга хос майитни дафн қилиш маросими ҳам маълум даражада сақланиб қолган. Шуларга асосланиб, биз илк темир даврида аждодларимиз зардуштийлик ва маздаизм динига эътиқод қилганлар, деган хулосага келдик. Бу илк темир давридан турли динларга эътиқод қилган уруғ ва жамоалар бирга диний бағрикенглик асосида умргузаронлик қилганликларидан далолат беради.

Илк темир даври чорвадорларининг кириб келиши билан ибодат маросимида махсус супалар ёки тепаликлар сатҳи тош ёки сопол синиқлари билан ёпилган майдонларда бронза давридан амал қилинаётган анана ривожланади. Ер, ҳаво, олов ва сувнинг муқадаслигини тасдиқловчи артефактлар кўлга киритилди. Қабрларни атрофларида супасимон ва чуқурча туридаги алтарлар кузатилди.

Еттинчи бобнинг **“Қадимги Суғд шаҳарларининг шаклланиш жараёнларида меъморчилик ва мудофаа иншоатлари”** номли иккинчи бандида шу борада кўлга киритилган янгиликлар жой топган.

Илк темир даври Суғд қурилиш маданиятида бир неча хил меъморий қурилмалар кузатилади. Биринчиси Кучуктепа, Тиллатепа ибодатхонасига ўхшаш ярим доирали миноралар билан қурилган жамоа ибодатхонаси. Иккинчиси ертўла ёки ярим ертўла шаклидаги енгил конструкцияли турар-жойлар Кўшазизлар, Тўрткултепа, Жом ва Жарқўтон каби қишлоқ турар-жойлари кузатилади. Шу билан бирга, Кўктепада очилган коридорсимон йўлаклар билан боғланган кўп хонали уйлар, Қунғиртут тоғ-олди ирригацион тизимида очилган бир девор ичида қурилган 4-5 оилани бирлаштирган кўрғон ҳовлилар маълум. Радиокарбон таҳлиliga кўра, бу қишлоқ турар-жой маконлари мил. авв. XIV-XII асрларга оидлиги аниқланди. Янги радиокарбон таҳлиliga асосан даврий сана моддий маданият ва стратиграфик кузатишлар билан ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Илк темир даврида кириб келган чорвадорлар маҳаллий шаҳарсозлик маданиятини, меъморчилик анъаналарини, уй жой қурилишида ва бошқа соҳаларни ўзлаштиради. Кўктепада жамоа жойларини қуришда Гонур-депе, Тоголок, Жарқўтон каби меъморчилигида анана бўлган иншоотларни яримдоира минораларини, икки қисмли шаҳарсозлиги андаза сифатида қабул қилади.

Суғднинг бир неча ёдгорликларидан олинган радиокарбон таҳлиллари Кучук-II даврини 2985 ± 30 йил, яъни мил. авв. X-IX асрларга оид эканлигини кўрсатди. Бу даврнинг ўзига хослик томонларидан бири сопол

ишлаб чиқаришда яна кулол чархида шаклланган идишлар нуфузи ортади. Суғднинг йирик сув ҳавзаларида марказий шаҳар-давлатларни шаклланиши кузатилади; Кўктепа (100 га ортиқ) икки қисмдан иборат, Афрасиёб 219 га, Узунқир (70 га), Ерқўрғон (40 га) майдонга эга бўлган. Илк темир даври шаҳарсозлигида икки хил шаҳарлар тизимини кузатамиз. Кўктепа алоҳида пахса девор билан ўраб олинган ибодатхона ва ҳоким-саройдан иборат шарқона усулда қурилган бўлса, Кеш ибодатхонаси Сангиртепа, шаҳар мудофаа деворидан 650 м жануби-ғарбда кузатилади.

Диссертацияда кенг ўрин олган кейинги тарихий жараён мил. авв. VII - VI асрларга оид Сангиртепада маркази залли, атрофи ёрдамчи хоналаридан, олд қисми айвонли иншоот очилди. Бу турдаги ибодатхоналар Хоразмда (Хумбузтепа)¹¹⁵, Бандихон ёдгорликлар тизимидаги Киндиктепада учрайди. Ўзига хос янги меъморий иншоот қуриш анъаналари илк марта Жарқўтон ибодатхонасида кузатилса¹¹⁶, сўнг ривожланиб Сангиртепада ва антик давр Тахти-Сангин ибодатхоналарига¹¹⁷ хос шаклга келади. Шундай қилиб, Сангиртепа туридаги ибодатхоналар Тахти-Сангин эллинистик, Кухи-Ходжа Ерқўрғон, Жартепа милодий III-V асрлар ва Панжикент ибодатхоналари Окс цивилизацияси тизимида ривожланиб келган.

Қадимги Бактрия подшолиги тўғрисидаги тушунчаларимиз ёзма манбаларга асосланади¹¹⁸. Гатларда айтилишича¹¹⁹, Зардуштнинг олдинга сурган диний қарашлари ўз юртида ривож топмади, шу сабабли у кавий Виштаспа юридан кетишга мажбур бўлади. Бу мамлакат Бактриядан жануброқда жойлашган. И.В. Пьянковнинг фикрича, “қадимги кавийлар подшолиги” эди¹²⁰. Кавийлар таълимотининг ривожланиш босқичлари тўғрисида турли хил қарашлар бор. М.Х. Исомиддинов ва К. Рапенлар Кўктепа шаҳар харобасини Авестода тилга олинган Гава Суғуда, деб хисоблайдилар¹²¹.

Биз янги археологик натижалар асосида кавийларни кириб келиш босқич даврини мил. авв. X-IX асрларда содир бўлган катта урбанизацион ўзгаришлар билан боғладик. Буни Марғиёнада Улуғдепе, Суғдда Кўктепа, Сангиртепа, Узунқир ва Афрасиёбни маҳобатли деворлар билан ўраб олинган шаҳар сифатида қурилиши тасдиқлайди. Катта-катта каналлар очилиши ва ерларни ўзлаштирилиши ҳам худди шу даврга тўғри келади. Кавийларнинг иккинчи тарқаш босқичи мил. авв. VII – VI асрларга - оидир. Бу даврда Сангиртепа, Хумбузтепа, Киндиктепа ибодатхоналари қуриб битказилади, шаҳарларнинг мудофаа деворлари шарқона усулда тўрт бурчак

¹¹⁵ Баратов С. Древнейший зороастрийских храм Хумбузтепе. Фан ва турмуш. № 1–2. 2014.

¹¹⁶ Аскарлов А. А., [и др.]. Джаркутан – 1983; Аскарлов А. А., [и др.]. Ранняя городская культура.. – 162 с

¹¹⁷ Пичикян И. Р. Культура Бактрии. Ахеменидский и эллинистический периоды. – М., 1991. – 142 с; Литвинский Б. А., Пичикян И. Р. Эллинистический храм Окса в Бактрии. Том 1. – М., 2000. – 503 с.

¹¹⁸ Лившиц В. А. Общество Авесты. История таджикского народа. Т. 1. 1963. – С. 150–159; Ртвеладзе Э. В. Низовья Амударьи в эпоху распада первобытно... // Хорезм в истории государственности... – 2013. – С. 14.

¹¹⁹ Дорошенко Е. А. Зороастрийцы в Иране (Историко-этнографический очерк). – М., 1982. – С. 8–9.

